

5

МАҲАЛЛА
ТАРБИЯ МАКТАБИ



8

АҚЛ ЧИРОҒИ
КИМНИНГ ҚҮЛИДА?



10

ЧАНГДА
ҚОЛГАН ГУЛ



Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!



POSTDA

ГАЗЕТА 1930 йил 12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН • Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2006 йил 29 июль, шанба • 30 (3664)-сон



МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 15 ЙИЛЛИГИГА

*Боболарим армон қилган кун,
Момоларим ўтди бағри хун.
Пешонамга ёзилган иқбол,
Бахтни бердинг бизга, истиқлол.*

*Омад келди, ечилди тугун,
Дунё айтар тасанно бугун.
Келажаги буюк истиқбол,
Юртни бердинг ўзинг, истиқлол.*

*Ҳали сенга қанча эллар зор,
Улар учун неча йиллар бор.
Фақат орзум – бир умрга қол,
Бизни ташлаб кетма, истиқлол.*

*Юзга тўлгин юзлашиб юрай,
Дунё билан бўйлашиб кўрай.
Ушанда ҳам қаддим бўлмай дол,
Мадҳ этайин тўйинг, истиқлол.*

Сафар АБДУВОҲИДОВ.

ҚУРЛИГИНГ БОҚИЙ БЎЛСИН, ЎЗБЕКИСТОН!



POSTDA-TV



**МУНАЖЖИМЛАР
БАШОРАТИ**
Келгуси ҳафта учун

ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР

ВАЗИРЛИКДА УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси ИИВга Франция Сенатининг молия масалалари бўйича комиссияси раисининг ўринбосари Эмери де Монтестью бошчилигидаги делегация ташриф буюрди. Меҳмонларни республика Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник А. Шарафутдинов қабул қилди.

У делегация аъзоларига Ўзбекистонда амалга ошириладиган суд-ҳуқуқ тизими ислохотлари ҳақида гапириб берди. Жумладан, жиноий жа-

золарнинг либераллаштирилиши, ўлим жазосининг бекор қилиниб, умрбод ёки узоқ муддатли қамоқ жазоси билан алмаштирилиши, шунингдек қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини прокуратура идораларидан судларга ўтказиш тўғрисида алоҳида тўхталди. Сухбат чоғида Ўзбекистон Республикасида биометрик паспортларни жорий этиш бўйича махсус комиссиянинг фаолияти масаласи ҳам тилга олинди.

Меҳмонлар номидан Эмери де Монтестью самимий қабул учун миннатдорчилик билдириб, икки мамлакат ўртасида турли соҳаларда; жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўртасида ҳамкорликнинг ривожидан мамнун эканлигини изҳор этди. У Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизimini ислох этиш борасида ҳамкорликни янада чуқурлаштириш бўйича бир қатор таклифларини билдирди.

Учрашув чоғида ҳар икки томонни қизиқтирган бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди. Унда, шунингдек, Франциянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Жан Клод Арт, республика ИИВ қатор бошқармаларининг раҳбар ходимлари иштирок этишди.

Ўз мухбиримиз.



Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги аппарати шахсий таркиби билан ўтказилган навбатдаги Маърифат дарсига республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари, таниқли сиёсий шарҳловчи Қуддус Абзамов таклиф этилди. У Ватанисиз мустақиллигининг 15 йиллиги олдидан «Ютуқлар, муаммолар ва истиқбол» мавзuida маъруза қилди.

МАЪНАВИЯТ ВА ИСТИҚБОЛ

— Бизнинг бош мақсадимиз — юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ эркинлиги ва фаровонлигини таъминлаш. Албатта, бунга эришиш ўз-ўзидан бўлмайди. Мамлакатимизда қўлга киритилган барча ютуқлар замирида Президентимизнинг жасорати ва халқимизнинг меҳнати ётибди, — деди нотиқ. У шунингдек, истиқлол туфайли рўй бераётган ўзгаришлар, тинчликни сақлаш, мустақилликни кўз қорачидай асрашда ҳушёрликни йўқотмаслик, маънавияти юксак инсонни тарбиялаш ва бошқа масалалар хусусида тўхталди. Ҳар биримиз қайси соҳада ишлашимиздан қатъи назар юксак билим ва маънавиятли, интеллектуал салоҳиятли бўлишга интилишимиз, миллий истиқлол гоёси асосида бирлашиб, Ватанисиз равнақи, унинг порлоқ келажagini яратиш учун курашсаккина эзгу мақсадларга эришимизни алоҳида таъкидлади. Шундан сўнг йиғилганларнинг қўллаб-қувватларига жавоб қайтарди.

Маърифат дарсида республика Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник А. Шарафутдинов иштирок этди.

Ш. РЎЗИЕВ,
майор.

Сирдарё вилояти ИИБда ҳам ИИВ Академияси тингловчилари ва уларнинг ота-оналари билан учрашув бўлиб ўтди.

ФАРЗАНД КАМОЛИ — ОТА-ОНА БАХТИ

Тадбирда сўзга чиққан республика ИИВ Академияси Тезкор қидирув ҳуқуқи кафедраси бошлиғи, доцент, полковник Б. Закиров ва Конституциявий ҳуқуқ кафедраси катта ўқитувчиси, юридик фанлар номзоди, майор М. Тургуновлар кадрлар тайёрлашнинг муҳим қисми бўлган амалиёт ички ишлар идоралари тизимларида ўтказилаётгани муҳим аҳамият касб этаётганига алоҳида тўхталдилар.

— Мен тўрт нафар фарзанднинг онасиман, — дейди учрашувда сўзга чиққан Бахт шаҳрида яшовчи Руқияхон ая Алибоева. — Уч ўғил, бир қизни тарбиялаб келмоқдаман. Ҳозирги кунда ўлим Жаҳонгир Алибоев ИИВ Академияси тингловчиси. Укаси Баҳодир ҳам шу даргоҳда таҳсил олиш ниятида. Она сифатида фарзандларим Ватанисиз, халқимизга сидқидилдан хизмат қиладиган, эл қорига ярайдиган ўғлонлар бўлиб етиштириладиган жуда хурсандман.

Тингловчилар вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари масъул ходимлари билан учрашувда ҳам иштирок этиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди, амалиёт машғулоти яқини бўйича синовлар топширишди. Вилоят ИИБ мустақил бўлим ва бошқармалари раҳбарлари иштирокида ўтказилган синовлар жараёнида ИИВ Академияси тингловчиларининг амалиёт даврида эгалланган малакалари қониқарли даражада эканлиги эътироф этилди.

Назиржон Йўлдошев,
лейтенант.

МИННАТДОРЧИЛИК

СОҒ-ОМОН БЎЛИШСИН

Мен Тошкент шаҳрига эълон бўйича иш излаб бориб, бир қаллоб, таъмагининг қўлига тушиб қолдим. У паспортим ва пулимни олиб, ўзи жуфтакни ростлаб қолди. Шундан сўнг ёрдам сўраб Юнусобод тумани ИИБга мурожаат қилдим. У ерда терговчи, катта лейтенант Ҳотамжон Қодиров мени самимий кутиб олиб, арз-додимни тинглади. Ички ишлар ходимларининг саъй-ҳаракатлари билан қисқа вақт ичида фирибгар топилиб, менга етказилган зарар қопланди.

Ҳотамжон Қодировга ўз миннатдорчилигимни билдираман. У каби ўз касбининг фидойилари доим соғ-омон бўлиб, ишларида омад кулиб боқаверсин.

Гулмира ИКРОМОВА,
Ангрен шаҳри.

ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси раҳбарияти ташаббуси билан таълим тизimini такомиллаштириш, ёшларга замон талаблари даражасида билим беришнинг янги услубларини жорий этиш, таълимни бевосита амалиёт билан уйғунликда олиб боришга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Билим даргоҳи жамоаси фақатгина ҳуқуқшунос мутахассисларни тайёрлаб бериш билан kifояланиб қолмай, уларнинг республика ички ишлар идораларида муваффақиятли фаолият олиб боришлари учун бор имкониятларни ишга солмоқдалар.

Яқинда Фарғона вилояти ички ишлар бошқармасида ИИВ Академияси масъул ходимлари 1-2 - курслари тингловчиларининг ота-оналари билан учрашдилар.

— Учрашувдан қўзланган асосий мақсад, — дейди ИИВ Академияси жиноятларнинг олдини олиш кафедраси ўқитувчиси, майор Муҳаммадқарим Юлдашев, — тингловчиларнинг билим олишга интилишларини ошириш ва таълим тизimini такомиллаштириш жараёнига ота-оналарни ҳам жалб қилишдир. Ҳар бир курс учун алоҳида ота-оналар кенгашлари раислари сайланиб, улар билан Академия раҳбарияти ўртасида доимий алоқа ўрнатилга келишиб олинди. Бу мақсадга эришимизда муҳим аҳамиятга эга.

Учрашув давомида ота-оналарга фарзандларининг фанларни ўзлаштиришлари, таълим муассасасидаги юриш-туришлари тўғрисида маълумотлар берилиб, ҳозирда мавжуд бўлган айрим жузъий камчиликларни бартараф этиш борасида қилиниши лозим бўлган ишлар ўртоқлашилди. Шунингдек, ўқишда юқори натижаларга эришаётган, намунали хулқи ва жамоат ишларида фаол қатнашиб, барчага ўрнак бўлаётган тингловчиларнинг ота-оналарига Академия раҳбариятининг ташаккурномаси билдирилди.

Таълим тизimini такомиллаштиришнинг энг муҳим жиҳатларидан бири назария билан амалиётнинг уйғунлигини таъминлаш, касбий амалиёт жараёнининг самарадорлигига эришишдир. Шуларни эътиборга олган ҳолда Академия раҳбарияти ҳар сафаридан фарқли ўлароқ, бу йил тингловчилар касбий амалиётини уларнинг яшаш жойларида, яъни ўқишдан сўнг хизматни давом эттирадиган ички ишлар идораларида ўташлари учун имконият яратди.

Жорий йилнинг 3 июлидан 22 июлигача бўлган давр мобайнида ИИВ Академиясининг 1-3-курслари тингловчилари Фарғона вилояти ички ишлар идораларида касбий амалиёт ўтадилар.

Тингловчилар таълим муассасасида олган назарий билимларини касбий амалиёт давомида мустақамлашдилар. Фаолиятнинг ўзига хос жиҳатлари бўйича тегишли кўникмаларга эга бўлдилар.

Вилоят ички ишлар идоралари раҳбарларининг фикрларига асосан айтиш мумкинки, тингловчилар касбий амалиётни юқори савияда ўтказишлари баробарида ички ишлар бўлимлари ходимларига катта ёрдам кўрсатдилар. Ҳар бир тингловчи хизмат йўналишлари бўйича юқори билимга эга эканлигини намойиш этди. Тингловчилар жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, содир этилган жиноятларни фож этиш бўйича ўтказилган барча профилактик ва тезкор тадбирларда фаол қатнашишди. Касбий амалиёт давомида бириктирилган мураббийлар уларга хизмат йўналишлари бўйича тегишли кўникмаларни чуқур ўргатиш билан бирга маънавий-маърифий дунёқарашларини юксалтириш, муомала маданияти, касб одоби юзасидан зарур маслаҳатлар бериб, амалий машғулотлар ўтказишди.

Вилоят ИИБ раҳбарияти ва фахрийлар кенгаши ташкилотчилигида Академия тингловчиларининг кўп йиллар ички ишлар идораларида самарали хизмат қилиб, истеъфога чиққан фахрийлар билан учрашуви уюштирилди.

Вилоят ИИБ Фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги полковник А. Сагторов, кенгаш аъзолари, истеъфодаги полковниклар М. Бобораҳимов, Н.Тен, Р. Тавбаевлар йиғилганларга ўзларининг кўп йиллик тажрибалари, ички ишлар хизматининг шарафли ва мураккаб жиҳатлари тўғрисида сўзлашди ва қимматли маслаҳатлар беришди.

Учрашувдан сўнг тингловчилар касбий амалиёт давомида олган кўникмалари, амалиёт режаларининг бажарилиши бўйича Академия ўқитувчиларига ҳисобот бердилар. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, вилоят ички ишлар идоралари ходимлари, мураббийларнинг юксак даражадаги касб маҳорати, бой амалий тажрибалари туфайли тингловчилар касбий амалиёт режаларида белгиланган барча вазифаларни талаб даражасида бажаришга эришдилар.

Бир сўз билан айтганда, ИИВ Академиясининг назария билан амалиётни уйғунлаштириш борасидаги саъй-ҳаракатлари республикада ҳуқуқшунос мутахассисларни тайёрлаш, ҳуқуқ тартиботни мустақамлаш, халқимизнинг хавфсизлигини таъминлаш борасида ижобий самара бериши шубҳасиз.

Бўрибой ОМОНЗОДА.

БРЮССЕЛДАГИ БРИФИНГ

Ўзбекистоннинг Бельгиядаги элчихонасида республикамизда жиноий жазо ва суд-хуқуқ тизимини либераллаштириш жараёнлари бағишланган брифинг ўтказилди. Унда Европа парламенти депутатлари, Европа Иттифоқи, НАТОга аъзо мамлакатлар ваколатхоналарининг вакиллари, шунингдек, Брюсселда жойлашган таҳлил ва илмий-тадқиқот марказлари экспертлари ҳамда Бельгиядаги дипломатик ваколатхоналар ходимлари иштирок этди.

Брифинг қатнашчилари жиноий жазо ва суд-хуқуқ тизимини либераллаштириш бўйича Ўзбекистон раҳбарияти томонидан кўрилатган чора-тадбирлар билан таништирилди. Йигилганлар Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони ва яқинда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиниши муносабати билан қабул қилиниши лозим бўлган қонунлар, норматив-хуқуқий ҳужжатларни тайёрлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармойишини юксак баҳоладилар.

ЕВРОПА парламентининг Мальтадан сай-

ланган депутати Жон Аттард Монталто «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан мулоқотда ўлим жазосининг бекор қилиниши ҳар қандай мамлакатда инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг муҳим йўналиши эканини, зеро, булар ичида асосийси яшаш ҳуқуқи эканини қайд этди. Шу муносабат билан «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармон халқаро ҳамжамият томонидан қўлланганидан ўта муҳим қарор ҳисобланади.

Европалик депутатнинг таъкидлашича, мустақам ҳуқуқий асоснинг яратилиши демократлаштириш жараёнларининг муҳим асосларидан биридир. Мавжуд ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш бу

борадаги ислохотларни амалга оширишнинг самарали усули ҳисобланади. Чунки янги юридик тизимни куриш оддий иш эмас. Демократик давлат пойдеворининг асосларидан бири - бу мустақил одил судловни қарор топтиришдир. Шу нуқтаи назардан Ж. А. Монталтонинг фикрича, Ўзбекистон Президентининг «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармони суд-хуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг изчил амалга оширилишига намуна сифатида хизмат қилиши мумкин.

Ж. А. Монталтонинг таъкидлашича, маҳбуслар сони жамиятнинг маънавий аҳволини акс эттирувчи жиддий кўрсаткичлардан бири саналади, негаки, у мамлакатдаги жиноятчилик миқёсини ҳамда у ёки бу давлатдаги жиноят ҳуқуқи эркинлашувининг даражасини кўрсатиб беради. Унинг фикрича, маҳбуслар сонининг кўплиги, жумладан, қуйидагиларни англатиши мумкин: биринчидан, мамлакатдаги жиноятчилик юқори даражада эканини, иккинчидан, мамлакатда ниҳоятда қаттиққўл жи-

ноят кодекси амалда эканини. Ўзбекистонда минтақадаги бошқа давлатлар ва айрим Ғарб мамлакатларига нисбатан жиноятчилик даражасининг пастлиги муҳим ижобий ҳақиқатдир.

ЛЮДВИГ вон МАЙСЕС номидаги Европа институти президенти Аннет Годарт-ван дер Кроннинг таъкидлашича, Ўзбекистон раҳбарияти ўлим жазосини бекор қилиш масаласига босқичма-босқич равишда ёндашгани доно қарор бўлиб, ушбу жараёни амалга оширишда келиб чиқиши мумкин бўлган хатоларнинг олдини олиш учун имкон яратади. Унинг фикрича, мазкур ёндашув ўлим жазосини бекор қилган мамлакатлар тажрибасини ҳар томонлама ўрганиш ва республикада амалга ошириладиган чораларнинг самарасини оширишга кўмаклашади.

КЎЧМАС МУЛК савдоси билан шуғулланувчи «Эверест» компанияси директори, ҳуқуқ масалалари мавзусида қалам тебратган собиқ мустақил журналист Людгер Пиренинг айтишича эса, Ўзбекистоннинг суд-хуқуқ тизимини либераллаштириш, хусусан, ўлим жазосини жиноий жазо турларидан бири сифатида бекор қилиш борасидаги тажрибаси ўзини «демократия ҳимоячиси», деб атовчи айрим Ғарб мамлакатлари учун ўрнатқ бўла олади.

Жамшид МУТАЛОВ,
«Жаҳон» АА мухбири,
Брюссель.

Ўзбекистоннинг ГФРдаги элчихонасида «ALIVE» ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилоти раҳбари Петра Херманнинг мамлакатимиз раҳбариятининг ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги қарорини қутлаб йўллаган мактуби келди. Германия инсон ҳуқуқлари форумига кирувчи ушбу нуфузли ноҳуқумат ташкилоти турли мамлакатларда, жумладан, АҚШда фаол равишда ўлим жазосини бекор қилиш кампаниясини олиб боради. «ALIVE» ўз журналини чоп этади, жаҳонда ўлим жазоси билан боғлиқ вазият тўғрисида ҳисоботлар тайёрлайди. Ўзбекистон дипломатия ваколатхонасида келиб тушган ушбу хатнинг тўла матнини эътиборингизга ҳавола этамиз:

НЕМИС ҲУҚУҚ ҲИМОЯЧИЛАРИНИНГ ҚУТЛОВИ

«ALIVE» ташкилоти Ўзбекистоннинг тараққиётини диққат билан кузатиб боради. Жиноят кодексида ўлим жазоси кўзда тутилган моддалар сонининг қисқартирилиши билан мамлакатингиз томонидан ўлим жазосини бекор қилиш бўйича илк муҳим қадам ташланди. Ташкилотимиз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиниши муносабати билан қабул қилиниши лозим бўлган қонунлар, норматив-хуқуқий ҳужжатларни тайёрлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармойишини катта мамнуният билан қабул қилди. Ҳужжатда кўзда тутилган аниқ чора-тадбирлар Ўзбекистон раҳбариятининг ўлим жазосини жиноий жазо сифатида бекор қилиш борасидаги қатъий иродасидан далолат беради.

Ўлим жазосини бекор қилиш ҳуқуқий давлат ва ривожланган жамиятнинг таркибий қисмидир. Ҳисобитоблар шуни кўрсатмоқдаки, ўлим жазоси жиноятчиликнинг камайишига ёрдам бермаётир. Аксинча, у зўравонликни кучайтириши мумкин. Бундан ташқари, одил судлов ҳам инсоннинг ҳаётдан маҳрум этилишига олиб келувчи хатолардан ҳимояланмаган.

Ўзбекистоннинг тез орада ўлим жазоси тарих саҳифаларидагина қоладиган мамлакатлар сафига киришидан яна бир бор хурсандмиз.

Ўзбекистон ва унинг халқига энг эзгу тилакларни билдириб қоламан.

Петра ХЕРМАНН,
«ALIVE» ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилоти
бошқаруви раиси.

Хорижий экспертлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан қабул қилиниши лозим бўлган қонунлар, норматив-хуқуқий ҳужжатларни тайёрлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармойишини, шунингдек, Ўзбекистоннинг суд-хуқуқ тизимини либераллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларини фаол шарҳлашда давом этаётир.

«ЕВРОЮРИСТ» Европа Адвокатлар ассоциацияси аъзоси, доктор Г. Хёк Ўзбекистонда ўлим жазосини бекор қилишга тайёргарлик жараёнларида аҳолининг барча қатламлари ва қонуншунослар иштироки кўзда тутилганини алоҳида таъкидлади. Унинг сўзларига кўра, шу муносабат билан ҳуқумат томонидан бу борада мўлжалланган чора-тадбирлар ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга муносибдир.

У шунингдек, ўлим жазосининг бекор қилиниши Европа тарихида кўп йиллар давом этган жараён эканини ва ушбу мақсад йўлидаги саъй-ҳаракатлар Иккинчи жаҳон урушидан сўнггина ўз самараларини бера бошлаганини қайд этди.

Эксперт Ўзбекистонда ўлим жазосини бекор қилиш бўйи-

ча кўрилатган чораларни қўллаб-қувватлаш зарурлигини таъкидлаб, уларнинг ҳуқуқий давлат қуришда алоҳида аҳамиятга эга эканига ишонч билдирди. У Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойишининг бош мақсади - ўлим жазосини бекор қилиш учун зарур бўлган ҳуқуқий ва норматив базани ишлаб чиқишда демократик ва очик жараёни таъминлаш эканини ва унинг муҳимлигини қайд этди. Давлат томонидан ушбу йўналишда кўрилатган чора-тадбирлар Ўзбекистон ва Европа мамлакатлари ўртасида ишонч ва ҳамкорликнинг мустақамланишига муносиб ҳисса қўшишига кўмаклашиши таъкидланди.

МДҲ МАМЛАКАТЛАРИ институти директори ўринбосари - В. Жарихин: «Ўлим жа-

ХОРИЖИЙ ЭКСПЕРТЛАР НАЗАРИДА...

зосини бекор қилиш ва суд-хуқуқ тизимини ислох қилиш масалалари, ўлим жазосига мораторий жорий этилган ҳамда айни пайтда уни бутунлай бекор қилиш юзасидан муҳокамалар ўтказилаётган Россия учун ҳам долзарбдир», - деган фикрни билдирди. Россиялик эксперт 2003 йилдан буён Ўзбекистонда ўлим жазоси фақат икки турдаги жиноятга, яъни, қасддан одам ўлдириш ва терроризмга нисбатан кўзда тутилганини айтиб ўтди. Бунда у содир этилган жиноят даражасидан қатъи назар, вояга етмаганлар, аёллар ва ёши 60 дан ошганларга нисбатан олий жазо қўлланилмалигини таъкидлади.

«ЕВРАЗИЯ» журнали ва «Газета СНГ» интернет-нашри бош муҳаррири Е. Тесемникова Ўзбекистон Президентининг «Ўзбекистон Республика-

сида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони амалий ижросининг пухта ўйланган жиҳатини алоҳида ажратиб кўрсатди. У ушбу Фармон салкам бир йил илгари эълон қилинганини қайд этди. Унинг фикрича, бундай қатъий чорани ҳаётга татбиқ этиш учун нафақат вақт, балки суд-хуқуқ тизими ислохоти учун катта миқдорда молиявий маблағ ҳам зарур бўлади.

Ўзбекистонда ўтказилаётган суд-хуқуқ тизими ислохотлари қатор араб давлатларининг академик ва эксперт доираларида ҳам қизиқиш уйғотди.

АРАБ очик университетининг Қувайтдаги бўлими директори Фаҳд ал-Мекрад, ҳар қандай давлатда жиноий жазо ва бутун суд-хуқуқ тизимини либераллаштирмасдан туриб, ижтимоий-сиёсий ҳаётни тўла демократлаштириш мумкин

эмаслигини қайд этди. Унинг фикрича, Ўзбекистон раҳбарияти томонидан бу соҳада қўлланилаётган чоралар жиноят-процессуал ва ахлоқ тузатиш масалаларида асосий эътибор тарбиявий ишга қаратилганлигини кўрсатмоқда.

ҚУВАЙТ Журналистлари уюшмаси маслаҳатчиси Хусайн Абдурахмон Ўзбекистон Республикасида жиноий жазони либераллаштириш ва суд-хуқуқ тизимини ислох этиш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирларни ижобий баҳолади. Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилинишига тўхталар экан, айрим Ғарб мамлакатларида ушбу чора, афсуски, ҳанузгача қўлланилаётганини қайд этди ва олий жазонинг АҚШнинг қатор штатларида ҳали ҳам ижро этилаётганини мисол сифатида келтирди.

«Жаҳон» АА.

Мамлакатимиз Президентининг 2005 йил 1 августдаги Фармонига биноан, 2008 йил 1 январдан юртимизда ўлим жазоси бекор қилинади. Фармонни амалга ошириш учун зарур бўлган қонунлар ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш борасидаги ишларни жадаллаштириш мақсадида, 2006 йил 29 июнда «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан қабул қилиниши лозим бўлган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашга доир кўшимча чора-

тадбирлар тўғрисида»ги Фармойиши эълон қилинди. Ушбу Фармойишнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, республикамизнинг таниқли ҳуқуқшунос олимлари ва кенг жамоатчилик ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришмоқда.

Шунингдек, дунё ҳуқуқшунослари ўртасида ўлим жазосини бекор қилиш, уни жинойт жазолар қаторидан батамом ўчириб ташлаш борасида ҳам кўплаб бахс-мунозаралар юритилмоқда. Бу борада айниқса, франциялик ҳуқуқшунос Р. Бадантернинг фикр-мулоҳазала-

ри диққатга сазовордир. Шу муносабат билан мухбиримиз машҳур хорижлик ҳуқуқшуносни яқиндан билган инсон сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари кўмитаси раиси Акмал Саидов билан Р. Бадантернинг ўлим жазосини бекор қилиш борасидаги илмий ва амалий фаолияти хусусида суҳбат қилди. Куйида ушбу суҳбатни эътиборингизга ҳавола этаёмиз.

— Акмал Холматович, машҳур француз ҳуқуқшуноси Роберт Бадантернинг «Ўлим жазосини бекор қилиш» номли китобининг аҳамияти ҳақида гапириб берсангиз?

— Р. Бадантернинг «Ўлим жазосини бекор қилиш» китоби Париж ва Москвада чоп этилган бўлиб, барча манфаатдор ва бифарқ бўлмаган одамларни куйидаги саволлар устида ўйлаб кўришга даъват этади: «Ўлим жазоси қўлланилмайдиган жамият бўлиши мумкинми?». Агар бунинг имкони бўлмаса, нима учун? Агар шундай жамият бўлиши мумкин бўлса, нима учун? «Ўлим жазосини бекор қилиш», «ўлим жазоси қўлланилмайдиган жамият» деганда, нима назарда тутилади?

Ўлим жазоси бўлмаган жамият — бу жинойт жазо тури сифатида ўлим жазоси тайинланмайдиган ва унинг ижро этилишига моратория эълон қиладиган (кодекслар)да «ўлим моддалари», деб аталадиган моддалар бўлмаган, қатл этишнинг ҳар хил усулларини (бошини танасидан жудо қилиш, электр стул, осиб ўлдириш, ўлимга олиб борадиган укол қилиш, отиш, тошбўрон қилиш ва ҳоказолар) қўллаш учун шарт-шароитлар бўлмаган каттадир, кичикдир, инсоният ҳамжамиятидир.

Ушбу китоб Р. Бадантернинг жуда муҳим ижтимоий-сиёсий ва фидойи фаолиятининг гултожи ҳисобланади. У Адлия вазир ва муҳрни сақловчи лавозимида эканлигида ўлим жазоси ва илгари Францияда мавжуд бўлган махсус юрисдикцияли суд муассасалари бекор қилинишига эришган. У шунингдек, шахс эркинлиги мустақамлашишига ва жабрланганларнинг ҳуқуқлари кенгайишига кўмаклашган.

— Энди Роберт Бадантерни яқиндан билган инсон сифатида унинг бу борадаги ижтимоий-сиёсий фаолиятига ҳам тўхталсангиз?

— Роберт Бадантер — таниқли адвокат, ҳуқуқ профессори, Франциянинг собиқ Адлия вазир ва Конституциявий кенгаши раиси, ҳозирги пайтда сенатор, 2001 йил июнда Страсбургда бўлиб ўтган ўлим жазоси бекор қилиниши тарафдорлари I Жаҳон конгресси ўтказилишининг ташаббускорларидан бири. У «ўлим жазоси қўлланилмайдиган жамият бўлиши мумкинми?», деган саволга ижобий жавоб берибгина қолмасдан, нафақат Францияда, балки бутун жаҳонда ўлим жазосига қарши узоқ вақт кураш олиб борганлиги ҳақида ҳам ҳикоя қилади.

«Бу китобда менинг ўлим жазосига қарши узоқ вақт кураш олиб борганлигим ҳақида ҳикоя қилинади», деб ёзади муаллифнинг ўзи. Китобда ўлим жазосига қарши қатъий кураш олиб бориш мақсади муаллифда қачон пайдо бўлганлиги ҳақида айтиб ўтилган. Бу кураш 1972 йилда Роже Бонтан қатл этилгандан кейин бошланади. Р. Бонтан Клод Бюффе

Клервода боғбон ва тиббиёт ҳамширасини гаровга олиши пайтида унинг шериги бўлган эди. Хужум вақтида Бюффе гаровга олинганларни чавақлаб ташлайди. Буни тергов исбот қилади. Бироқ судьялар уларнинг иккаласини ҳам ўлимга ҳукм қиладилар. Ҳеч кимни ўлдирмаган одам ўлимга ҳукм қилинганлиги Р. Бадантерни газаблантириб юборади ва шу пайтдан бошлаб қатл бекор қилинишининг ашаддий тарафдорига айланади.

Р. Бадантер юриспруденция оламида «Қатл» (1973), «Кондорсе» (1988, Элизабет Бадантер билан ҳаммуаллифликда), «Озод ва тенглар... яҳудийларнинг озод қилиниши, 1789-1791 йиллар»

йидаги жиҳатларига кўра шубҳа остига олинади.

Биринчидан, ўлим жазосининг бекор қилиниши жинойтчилик даражасига таъсир кўрсатмайди. Ўлим жазоси жинойтчиликнинг ўсишида акс эттирилмайди, яъни қонунчиликда ўлим жазоси қўлланилишининг мавжуд эканлиги жинойтчиликни камайтирмайди. Францияда ўлим жазосининг бекор қилиниши, деб кўрсатади Р. Бадантер, одам ўлдириш ва бошқа оғир жинойтлар билан боғлиқ жинойтчиликнинг ўсишига олиб келмади. Боз устига, жинойт содир этиш пайтида полициячиларнинг ўлдирилиши ҳатто, мамлакатда бирмунча камайган. Европа Иттифоқига аъзо бўлган

кўрқитадиган таъсир кучи ҳақидаги далил ўзига ишонтирмайди. Ўлим жазоси тарафдорлари илгари сураётган далиллардан бири, ўлим жазосининг асосий мақсади кўрқитиш, яъни жинойтнинг олдини олишдан иборатдир. Р. Бадантер ўлим жазоси тийиш, яъни жинойтчилик ва жинойтчилар ўсишининг олдини олиш воситаси эмас, у «қонга — қон, жонга — жон», деган эски принципнинг намён бўлишидир, деб ҳисоблайди. Айримлар ўлим жазосининг моҳияти жинойтчиларни ўлим жазоси даҳшатидан кўрқиб ўз қилмишларини содир этмасликка ундаб, уларни кўрқувда сақлаб туришдан иборатдир, деб ҳисоблайдилар. Жинойтчилар

да. Масалан, 1973 йилдан бошлаб, АҚШда маҳбуслар ўлимга ҳукм қилинган жинойтларда уларнинг айбдор эмасликлари аниқлангандан кейин, 121 маҳбус ўлим камераларидан озод қилинди. Озод қилингандан ҳам энг сўнгги вақтда уларга қўйилган айб сохта эканлиги исбот қилингандан кейин озод этилди. Шу муносабат билан Р. Бадантернинг «одил судлов учун энг катта адолатсизлик — бу айбдор бўлмаганга нисбатан ўлим ҳукми ва қатл этиш ҳукми чиқарилишидир» деган иқрори жуда ишончли янграйди.

— Р. Бадантер ўз китобида Францияда ўлим жазоси қандай бекор қилинганлиги ҳақида батафсил ёзади. Шу ҳақда тўхталсангиз.

Р. Бадантер ўз китобини сафдоши, Франция Республикасининг собиқ Президенти Франсуа Миттеранга бағишлаган. Ф. Миттераннинг икки президентлик кампаниясида (1974 ва 1981 йилларда) фаол иштирок этганлиги ҳақида ёзади. Ўзининг содиқлиги ва қўллаб-қувватлаганлиги учун у Пьер

Моруа ҳукуматида вазир этиб тайинланади. Унинг Адлия вазир ва муҳрларни сақловчи лавозимидаги дастлабки ташаббусларидан бири Францияда ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси бўлди. Ушбу лойиҳа ўша пайтда французларнинг 64 фоизи ўлим жазоси бекор қилинишига қарши ва атиги 32 фоизи тарафдор бўлганликларига қарамай, 1981 йил 30 сентябрда парламент томонидан маъқулланди. Бироқ бу аҳоли учун қутилмаган ҳол эмас эди. Ф. Миттеран сайловли кампанияси пайтида ўлим жазоси бекор қилиниши фойдасига фикр билдирган ва кўпчилик овоз билан мамлакат Президенти этиб сайланган эди. Бундан ташқари, социалистлар 1981 йил июнь ойида парламент сайловларида ҳам зафарли ғалаба қилдилар. Уларнинг дастурида ҳам ўлим жазоси бекор қилиниши назарда тутилган эди. Шу сабабли французлар Ф. Миттеран тарафдорлари ҳокимият тепасига келишлари билан ўлим жазоси бекор қилинишини билар эдилар.

Р. Бадантер Францияда ўлим жазосига қарши кураш тарихи ҳақида мароқ билан ҳикоя қилади. Китоб ўлим жазосини бекор қилган қонун парламентда қандай қабул қилинганлиги ҳақидаги ҳикоя билан тугалланади — бу 1981 йил 30 сентябрда беш минут кам соат бешда юз берди. 1848 йилда Виктор Гюго томонидан билдирилган «ўлим жазоси бекор қилиниши бенуқсон, олдий ва узил-кесил бўлиши зарур», деган хоҳиш 133 йилдан кейин амалга оширилди. У бу сўзларни сиёсий соҳада ўлим жазосини бекор қилиш муаммоси бўйича мунозаралар чоғида айтган эди.

(Давоми бор).

Суҳбатдош:
Фурқат ХОЛИҚУЛОВ.

ЎЛИМ ЖАЗОСИ ҚўЛЛанилмайдиган Жамият бўлиши мумкинми?

(ХОРИЖ ТАЖРИБАСИДАН)



(1989), «Республика турмаси» (1992), «Одий антисемитизм» (1997) каби китоблар муаллифи сифатида машҳур. Унинг китобларининг машҳур бўлиши кўп жиҳатдан муаллифнинг адабий қобилиятигагина эмас, балки Р. Бадантер тасвирланаётган воқеаларда бевосита иштирок этганлигига ҳам боғлиқдир.

Р. Бадантернинг «ўлим жазосини бекор қилиш» китобининг рус тилидаги таржимаси ўз вақтида нашр этилган. Ушбу китобни биринчи навбатда инсон ҳаёти муаммолари билан қизиқувчилар — олимлар, мутахассислар ва давлат арбобларидан тортиб, кенг китобхонлар оммасигача диққат билан ўқиб чиқишлари лозим.

Ёши, маълумоти даражаси ва заковатига қарамай, одамлар орасида ўлим жазоси инсониятнинг доимий йўлдоши эканлиги ҳақидаги фикр кенг ёйилган. Муаллиф китобхонлар бундай тасаввурнинг шак-шубҳасиз эканлигига шубҳа қилишига ҳамда ўлим жазоси тайинлаш сиёсатидан уни тўлиқ бекор қилиш ва олий ижтимоий ва ҳуқуқий қадрият сифатида инсон ҳаёти устуворлиги, ўлим жазоси қабул қилинмаслигига асосланган бўлажак глобал фуқаролик жамиятининг пойдеворини куриш сиёсатига ўтиш билан боғлиқ ғоялар ва саъй-ҳаракатларга ўзининг камтарона ҳисасини қўшишига жуда ишонади.

Ушбу китобнинг асосий ғояси ўлим жазоси қўлланилмайдиган жамият реалликка айланиши мумкинлиги ва ижтимоий фикрнинг ўзгариши бунга ёрдам беришида ифодаланган. Назария ва амалиётда ўлим жазосининг қўлланилиши инсониятнинг мавжуд бўлиши ва жамият ҳаётининг доимий йўлдоши эканлиги ҳақидаги ишонч қу-

барча давлатлар ўлим жазосини бекор қилиш билан боғлиқ суриштирув ишларини ўтказдилар. Бу суриштирувлар натижасида қонли жинойтлар қонунчиликда ўлим жазоси бор ёки йўқлигидан қатъий назар давом этаётганлиги ҳақидаги ҳулосага келинди. Ўлим жазосининг бекор қилиниши бундай жинойтлар сонига ҳеч бир таъсир этмади.

Р. Бадантернинг ушбу ҳулосасини шунингдек, 1988 йилда БМТнинг буюртмаси бўйича ўтказилган ва 2002 йилда тўлдирилган тадқиқот ҳам тасдиқлайди. Ушбу тадқиқот доирасида ўлим жазоси қўлланилиши ўзгартирилишининг жинойтчилик даражасига таъсири ўрганилди: «Статистик тенденциялар ўзгаришсиз қолаётганлиги, агар ўлим жазосига камроқ даражада ўрин берилса, давлатлар жинойтчиликнинг қутилмаган равишда ва кучли сакраб кетишидан ҳеч бир хавфга тушмасликлари зарурлигининг ишончли далилидир».

Иккинчидан, ўлим жазосининг

олий жазо берилишидан ҳайиқиб, ўз ниятларидан воз кечвермайдилар. Буни БМТнинг юқорида эслатиб ўтилган тадқиқотлари натижаларига кўра чиқарилган ҳулосалар ҳам тасдиқлайди: «...бир қарашда камроқ даражада қаттиқ эмасдек бўлиб туюладиган умрбод қамоқ жазосига қараганда, ўлим жазоси қотилликлар сони кўпроқ даражада пасайиши тўғрисидаги гипотеза қабул қилиниши хато бўлган бўлур эди». Умрбод ёки узоқ муддатли қамоқ ўлим жазосига қараганда жинойтчиликка қарши курашнинг анча самаралироқ воситаси ҳисобланади.

— Айрим ҳолларда судлар ҳам хато қилади. Шу ўринда агар маҳбус умрбод ёки узоқ муддатта озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм этилса, йиллар ўтиши билан йўл қўйилган хатони тузатиш имконияти бўлади. Бордию ўлим жазоси тайинланиб, ижро этилганда бу хатони тўғрилашнинг имкони бўлмасди. Америка Қўшма Штатлари ва бошқа қатор мамлакатлар суд амалиётида бундай хатоларга йўл қўйиш ҳоллари борасида тўхталсангиз.

Суд хатоларини ёки айбдор бўлмаганлар қатл этилишини тузатиш мумкинми? «Ҳамонки ўлим жазоси сақланиб қолинар экан, нотўғри чиқарилган ҳукм ижро этилиши хавфидан сақланиш мумкин эмас». Ўлим жазоси амалиёти кўпинча муаммоларга, масалан одил судлов йўл қўйган хатоларга дуч келади. Сўз ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари (милиция, прокуратура)нинг ҳуқуққа эид хатти-ҳаракатлари ва суд томонидан ишончли бўлмаган гувоҳлик кўрсатмалари, исбот, тан олишларнинг қабул қилиниши ҳамда ҳимоянинг етарлича ваколатли бўлмаслиги ҳақида бормоқ-

Маҳалла халқимизнинг энг яхши анъаналари, урф-одат ва маросимларини асраб-авайловчи, уларни ёш авлодга синдириб боровчи катта оиладир. Ушбу масканларда руҳан, фикран, жисмонан соғлом, иймон-этиқоди бутун ва мустақкам билимли, юксак маънавиятли, ватанпарвар авлодни тарбиялашга катта эътибор берилмоқда.

Мустақиллик йилларида маҳаллаларда соғлом авлод тарбиясини йўлга қўйишнинг асосий омилларидан бири ёш ота-оналар ўртасида тушунтириш ишларини кучайтиришга қаратилди. Соғлом авлод тарбияси деганда, нафақат жисмонан бақувват, кучли инсонни, балки маънавий баркамол, билимдон, этиқоди мустақкам, фидойи авлодни камол топтириш тушунилади. Шу боис, ушбу йўналишда «Соғлом авлод — келажагимиз пойдевори», «Соғлом танда — соғ ақл», «Бола саломатлиги — оила қувончи» каби мавзуларда давра суҳбатлари ўтказилишига алоҳида эътибор берилаяпти.

Маҳалла фаолиятининг яна бир диққатга сазовор томони шундаки, ёш уй бекалари ҳамда катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган нуроний онахонлар билан учрашувлар ўтказилаётир.

Одатда қиз бола тарбияси алоҳида диққат-эътиборни талаб қилади. Оилаларда бу вазифа асосан оналар зиммасидадир. Ота қиз тарбиясига она орқали таъсир кўрсатади. Қиз болага озодлик, саранжомлик, ширинсўзлик, меҳмондўстлик, камтаринлик, сабртоқатлилик фазилатларини синдиришга алоҳида эътибор берилади. У бу хислатларни қай даражада ўзлаштириб бориши ва борган жойида тиниб-тинчиб кетиши онанинг тарбиясига боғлиқ. Тадбирлар чоғида ана шу жиҳатлар ва қайнона-келин муносабатлари ҳақида фикр юритилапти. Фарзанд тарбиясидек масъулиятли вазифани ба-

жаришда маҳалла фаоллари, кексалар алоҳида ўрин тутуди. Уларнинг йўл-йўриқлари, панд-насиҳатларига каттаю кичик амал қилади, ибрат олади. Бундан ташқари, «Бир болага етти қўшни ота-она», «Отанг ҳам маҳалла, онанг ҳам маҳалла», деган нақлларга амал қилинади.

«Бир болага етти қўшни ота-она» деган мақол қачондан бошлаб айтилгану, ким айтган? Шуниси аниқки, буни ўзбек айтган, бундай сўзни ўз зурриёдига, келажагига, қолаверса Ватанига, унинг

ҳалланинг аҳамияти қай даражада эканлигини англаб олиш қийин эмас. Шунинг учун мазкур масканларнинг келажагимиз эгалари — ёшлар тарбиясида тутган ўрни ва маҳаллалар фаолиятида ёшлар тарбиясисиз сўз юритиш мумкин эмас. Биргина Тошкент шаҳри мисолида оладиган бўлсак, ҳозирда пойтахтдаги маҳаллалар ҳудудида 307 та ўрта ва тўлиқсиз ўрта мактаб, 86 та касб-ҳунар коллежлари мавжуд.

Шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси томонидан биргаликда ишлаб чиқилган «Оила-маҳалла-мактаб» концепциясига



Буни ҳис қилган ҳар икки мактаб раҳбарияти «Ўрикзор» маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорлик қилишга катта эътибор берапти. Ҳар йили ўқувчи-ёшлар, устозлар, ота-оналар билан уч-

асосида тарбиялашдаги муаммоли масалалар, маҳалла ҳудудидаги ўқув-тарбия муассасалари билан биргаликда турли кўриктанловлар, спорт мусобақалари, анжуманлар, байрамлар ташкил қилиш,

иктидорли ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш, ота-оналарга болалар тарбиясида кўмак бериш, урф-одатларимиз асосида «Устоз-шогирд» анъаналарини ривожлантириш, халқимизга ёт бўлган диний ақидапарастликнинг ҳар қандай кўринишига «Жаҳолатга қарши маърифат билан» шиори остида курашишни кучайтириш ва бошқа масалалар ўрин олган.

Маҳаллада ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказилаётгани уларнинг жиноят кўчасига ногоҳ кириб қолиши ва турли хил ёт оқимлар таъсирига тушиб қолмасликларининг олдини олаяпти. Айниқса, милиция таянч пунктлари ёнида спорт майдончалари қурилиб, турли спорт тўгараклари фаолият юритаётгани айтиш мумкин бўлапти.

Шунингдек, профилактика инспекторлари, маҳалла фаоллари, яраштириш комиссияси аъзолари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар ҳамкорликда маҳалладаги нотинч оилалар тарбияси, огир болалар билан алоҳида тушунтириш ишлари олиб боришаётгани, мактабларда давра суҳбатлари уюштиришаётгани ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бир сўз билан айтганда, маҳаллаларда ёш авлод тарбиясига берилаётган эътибор, келажаги буюк давлат барпо этиш йўлидаги собитқадамдир. Зеро, маҳалла — энг муҳим тарбия мактаби ҳисобланади.

Р. НОДИРОВ,
Тошкент шаҳар «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси.

МАҲАЛЛА — ТАРБИЯ МАКТАБИ

равнақига, тинчлигига бекфарқ бўлмаган буюк халқ айта олади. Чунки фарзанди ўзидан бахтлироқ, кучлироқ, билимдонроқ бўлишини чин дилдан истайди. Шунданмасмикан ёш боласини елкасида кўтариб юриши, шунданмасмикан ўзи емай едириши, киймай-кийдириши. Ҳа, албатта бу ўзбеккагина хос хусусият, ўзбеккагина хос одат.

Шунга ўхшаш «маҳалла» ибораси ҳам соф ўзбекона тушунча, ўзбекона турмуш тарзидир. Бунинг учун ҳар қанча гурурансак арзийди, қанча гапирсак шунча кам.

Болага етти қўшни масъул эканлигидан ма-

асосан фарзандларимизнинг жаҳон андозаларига мос билим олишлари, уларга ажлодларимиз урф-одатларини синдириш борасида олиб борилаётган ишлар диққатга сазовордир.

Ҳозирда маҳалла кенгашларига мазкур масканларда яшовчи обрўли одамлар ҳамда илгари педагог бўлиб, айтиш пайтда қарилки гаштини сураётган отахонлар, онахонлар, ҳудудда жойлашган корхоналарнинг раҳбарлари киритилган. Бу эса жойларда маънавий-маърифий ишларни юқори савияда ташкил этишда қўл келаяпти.

Пойтахтдаги 297 ва 312-мактабларда тўпланган бой тажриба диққатга сазовордир. Ушбу масканларнинг ўзига хослиги шундаки, педагог-устозлар бошқа-бошқа туманларда ишлаб келишган. Бундан ташқари, «Ўрикзор» мавзесида бозор фаолият кўрсатаётганидир. Тошкент вилоятининг Зангиота тумани чегарадошлиги ҳам бу ҳудудда болалар таълим-тарбиясига ниҳоятда эътибор кучайтирилишини талаб этади.

рашувлар ўтказиб келинмоқда. Аҳамиятлиси, бу тадбирлар шунчаки «ўтди-ми ўтди» қабилида эмас, аниқ режа асосида ташкил этилаётгани, мавжуд муаммоларни ҳал қилишга қаратилганлиги билан ажралиб туради. Ҳуқуқшунос олима О. Каримова, сиёсий шарҳловчи Қ. Каримбеков бундай тадбирларнинг доимий қатнашчилари бўлиб, уларнинг маърузалари ёшлар мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг туб моҳиятини тушуниб олишларида муҳим роль ўйнамоқда.

Яқинда юқоридаги мактабларда ўқувчилар, ота-оналар, устозлар билан бола тарбияси, ўқув-ташкилий масалалар бўйича аноним тест сўрови ўтказилди. Унинг таҳлили пайтида муаммоли масалалар, уларни ҳал қилиш учун биринчи навбатда бажарилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди. Ота-оналар, устозларнинг талаблари, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари, маслаҳатчиларнинг таклифларига кўра янги 2006/2007 ўқув йилидан «Маҳалла — ота-она-устоз» халқ дорилфунунини ташкил этишга келишилди.

Бу дорилфунуннинг иш режасидан ёш авлодни миллий истиқлол гоёлари



СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК ОШАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинганига ҳам бир йил тўлди. Мазкур Фармоннинг нечоғли ҳаётий жанлиги кўплаб мутахассислар, ҳуқуқшунос олимлар томонидан ўтган вақт мобайнида эътироф этилди. Бу борада турли хил давра суҳбатлари, анжуманлар ўтказилиб келинмоқда. Қолаверса, республикамизнинг таниқли ҳуқуқшунослари ушбу Фармон юзасидан амалга оширилаётган вазифалар тўғрисида матбуот орқали ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришяпти. Бу борадаги мулоҳазалар билан ўртоқлашиш мақсадида Бухоро шаҳар ИИБ бошлиғи ўринбосари, подполковник, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист ОҚИЛ ҲАСАНОВНИ суҳбатга тортидик.

— Оқил Аҳатович, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларини ҳуқуқшунос сифатида қандай изоҳлаган бўлардингиз?

— Дарҳақиқат, сўнгги йилларда жамиятимизнинг барча жабҳаларида бўлгани каби суд-ҳуқуқ соҳасида ҳам ислохотлар босқичма-босқич, жадал суръатларда амалга оширилмоқда. Ўтказилаётган ислохотлардан кўзланган асосий мақсад юртимизда ҳуқуқий-демократик жамият барпо этишдир. Ана шу олий мақсад сари дадил қадам босилар экан, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш катта аҳамиятга эга. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2000 йил бошида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида сўзлаган нутқи катта аҳамият касб этади. Унда суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш ва демократлаштиришнинг асосий йўналишлари, дастурий йўл-йўриқларини баён қилиш билан бирга мавжуд қонунларимизни танқидий кўз билан қайта кўриб чиқиш, янги қонунларни таклиф қилган ҳолда уларнинг ишлаш механизмларини яратиш, айниқса, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг ўзлари қонунларга қатъий риоя қилишларини таъминлашга эришиш, фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги ва мада-

ниятини юксалтириш каби долзарб вазифалар баён этилган эди. Ўтган давр мобайнида бу соҳада катта ишлар амалга оширилди. 2000 йил 14 августда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини тақомиллаштириш тўғри-

Мамлакатда рўй бераётган судгача терговни либераллаштириш далолати сифатида амалиётда фуқароларни қамоққа олиш тариқасидаги эҳтиёт чорасидан фойдаланиш сўнгги 4 йилнинг ўзида икки баравардан кўпроққа қисқарганлигини айтиб ўтиш жоиз деб биламан.

сида»ги Фармони эълон қилиниб, 2001 йил 1 январдан бошлаб умумюрисдикция судлари иккига — фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судловга бўлинди, яъни ихтисослашди. Янги таҳрирдаги «Судлар тўғрисида»ги ва «Прокуратура тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди. Судлов босқичига апелляция институти жорий этилди. Шунингдек, республика Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техникавий ва молиявий жиҳатдан таъминлаш департаменти ташкил топди. Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг мақсади инсон манфаати, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, қолаверса, ҳар бир фуқарога дахлдор экан, бунга жавобан фуқароларимиз ҳам ҳаётимизда учраётган лоқайдлик, бепарволик иллатларидан халос бўлган ҳолда рўй бераётган ижобий ўзга-

ришларга четдан қараб турмасдан қабул қилинаётган қонунларга, қонунчиликка киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалардан ҳар томонлама хабардор бўлиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришлари лозим, деб ҳисоблайман.

— Айтингчи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 августдаги «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармони тергов амалиётида қандай аҳамият касб этади?

— Амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизими ислохотининг энг

муҳим вазифаси инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, аввало, асосий жиноий таъқиб ва ҳусусий ҳаётга аралаштиришдан ҳимоялаш, шахсий дахлсизлик ҳуқуқлари ҳамда адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқини самарали муҳофаза этилишини таъминлаш ҳисобланади.

Мамлакатда рўй бераётган судгача терговни либераллаштириш далолати сифатида амалиётда фуқароларни қамоққа олиш тариқасидаги эҳтиёт чорасидан фойдаланиш сўнгги 4 йилнинг ўзида икки баравардан кўпроққа қисқарганлигини айтиб ўтиш жоиз деб биламан. Масалан, Бухоро шаҳар ИИБ тергов бўлими иш юритувида бўлган жиноят ишлари таҳлил қилинадиган бўлса, йилдан йилга қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллашга эҳтиёж камайиб бораёттир. Қамоққа олиш ҳуқуқи судлар ихтиёрига ўтиши ўз навбатида

тергов идоралари ходимларининг ҳам масъулиятини оширади, яъни терговчиларимиз жиноятни фош этишда ўзларининг профессионал касбий кўникма даражасини ошириш йўли билан терговнинг сифати ва самарадорлигини оширишга ҳаракат қиладилар. Чунки тергов-суриштирув ходимларининг ҳар бир процессуал ҳаракатининг қонунийлиги устидан назорат ҳам бевосита тергов тизимлари раҳбарлари, прокуратура ва суд томонидан амалга оширилади.

— Ҳеч ким суд қарорисиз фуқарони ҳуқуқ ва эркинликларидан маҳрум этишга ёки чеклаб қўйишга ҳақли эмаслиги Бош Қомусимизда ўз аксини топган. Бу ҳақдаги фикрингиз қандай?

— Ҳақиқатан ҳам Конституцияимизнинг 19-моддасида «Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас» деб белгилаб қўйилган. Президентимиз Фармонининг ҳаётга татбиқ этилиши эса халқаро умумэътироф этилган принцип ва нормаларга мос келади ҳамда жиноят қонунчилигида шахснинг ҳуқуқ-манфаатлари кафолатланишини таъминлашга ишонаман.

Бундан кўзланган асосий мақсад тергов тизими ходимларининг касбий билимлари, тажрибаларини ошириш, тергов сифати ва самарадорлигига эришиш эди.

— Сизнингча, санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши тезкорликка таъсир кўрсатиб қолмайдами? Умуман, уни амалга ошириш механизми қандай бўлиши лозим?

— Қамоққа олиш ҳуқуқини судларга ўтказилиши тезкорликка салбий таъсир кўрсатмайди, деб уйлайман. Сабаби, ҳозиргача

қамоқ эҳтиёт чораси қўлланган шахсларнинг аксарият қисми прокурорга олиб борилгунга қадар Жиноят-процессуал кодексининг 221-моддасида кўрсатилган асослардан бири мавжуд бўлгандагина ушланади. Қонунда кўрсатилган 72 соатлик муддат ичида унинг айбонлиги масаласи бўйича етарли далиллар тўплангандагина қамоқ эҳтиёт чораси қўллаш учун прокурорга олиб бориларди, акс ҳолда тергов идораси томонидан қамоқ билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораси қўлланилар эди. Айбланувчи ёки гумонланув-

Президентимиз Фармонининг ҳаётга татбиқ этилиши эса халқаро умумэътироф этилган принцип ва нормаларга мос келади ҳамда жиноят қонунчилигида шахснинг ҳуқуқ-манфаатлари кафолатланишини таъминлашга

чига эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш қўлланилиши лозим бўлган ҳолларда терговчи қарор чиқариши, прокурор шу қарорга розилик билдириши ва у жиноят иши ҳужжатлари билан бирга судга тақдим этилиши, суд эса жиноят иши билан танишиб, гумонланувчи ёки айбланувчини шахсан сўроқ қилиши, томонларнинг, яъни прокурор, адвокатнинг фикрларини эшитиб, қамоқ эҳтиёт чорасини қўллашга санкция бериши, етарли далиллар тўплаш зарурати бўлганда ушлаб туриш муддатини 10 кун муддатга узайтириши ёки қамоқ билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги кўрсатма билан ушланган шахсни озод қилиш ҳақида қарор ёки ажрим

ланиб қолиши, бундай ҳолатда илтимосномада қуйи суд идорасининг қамоққа олишга раддия берилишига сабаб бўлган эътирозлар кўрсатилган бўлиши керак.

— Бухоро шаҳар ИИБ тергов хизмати ходимларининг малакасини ошириш, мазкур жараёнга тайёрлаш ишлари қандай кечмоқда?

— Фармон талабларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2005 йил 6 сентябрдаги кўрсатмасига асосан Бухоро шаҳар ИИБ тергов бўлими «База тергов органи»га айлантирилган эди. Бундан кўзлан-

ган асосий мақсад тергов тизими ходимларининг касбий билимлари, тажрибаларини ошириш, тергов сифати ва самарадорлигига эришиш эди. Мазкур тергов бўлими қисқа муддатларда ўқув машғулотлари ўтказиш учун барча қулайликларга эга бўлган ўқув хоналари, керакли жиҳозлар, ҳуқуқий соҳага оид қўлланма ва адабиётлар, Президентимиз Фармонлари тўпламлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда бошқа услубий қўлланмалар билан тўлдирилди, ходимлар иштирокида бевосита хизмат фаолияти билан боғлиқ мавзуларда мунтазам ўқув машғулотлари ўтказилиб келинмоқда.

Бундан ташқари, судгача тергов босқичида тергов-суриштирув ходимлари томонидан йўл қўйилиши мумкин бўлган турли қонунбузилишларининг олдини олиш ва қонунчиликни тақомиллаштириш юзасидан республика ИИВ Тергов Бош бошқармаси томонидан 5 та стратегик йўналиш ишлаб чиқилгани терговчилар учун жуда фойдали манбаа бўлиб хизмат қилмоқда.

— Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур.

Қобилжон ШОКИРОВ
суҳбатлашди.

ХУКУК-ТАРТИБОТ ПОСБОНЛИГИДА

ЧЕГАРА ТУМАНИДА ОСОЙИШТАЛИК

Чегара туманларида хизмат ўтайдиган ички ишлар ходимларининг масъулияти бошқа ҳудудлардаги ҳамкасбларидан кўра ҳам юқори бўлади. Чунки улар одатдаги вазифалардан ташқари республикамиз ташқарисига ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари, рангли материаллар, халқ истеъмоли молларини ноқонуний олиб чиқишга, мамлакатимиз ҳудудига гиёҳвандлик моддалари, аксилконституциявий адабиётлар олиб киришга уринишларни фож этиш билан ҳам шуғулланишади.

Марҳамат тумани Андижоннинг жануби-шарқда жойлашган бўлиб, Қирғизистоннинг Аравон ва Навқот туманлари билан чегарадош. Умумий чегара 78 километрни ташкил этиб, асосан тоғли ҳудуддан ўтган. Бу ўзаро ҳамкорликда ишлаётган чегарачилар, боғжоначилар ва ички ишлар ходимларига муайян қийинчиликлар туғдиради. Чегара ҳудудида фаолият кўрсатётган мунтазам назорат постларида ИИБ ходимлари ва посбонлар кечаю кундуз хизмат ўташади.

Туманда 48 та маҳалла, 5 та коллеж, 42 та ўрта мактаб, 3 та гимназия мавжуд. Электротехника заводи, илгизлама комбинати, пахта тозалаш заводи, турли фирмалар ишлаб турибди.

Ходимлар жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг тинчлик-осойишталигини таъминлаш йўлида бор куч-ғайратларини аяшмапти. Пухта режалаштирилган тадбирлар, кўрилган чора-тадбирлар самараси ўлароқ туман ҳудудида жино-

ятчилик сезиларли даражада камайди, уларнинг очириш кўрсаткичи бир мунча яхшиланди. Туман ИИБ шахсий таркиби «Антитеррор», «Тозалаш», «Арсенал», «Қорадори», «Паспорт-Виза» каби кенг қамровли профилактик тадбирларда фаол иштирок этишмоқда. Паспорт тартиботини назорат қилиш чоғида туман ҳудудида ноқонуний яшаётган 35 нафар фуқаро аниқланиб, уларга

нисбатан маъмурий чоралар кўрилди. Қатор жиноятлар «иссиқ издан» очилди.

Масалан, 20 июнь кuni номаълум кимса хонадон эгалари йўқлигидан фойдаланиб, Марҳамат шаҳрида яшовчи Х. Роҳатойнинг уйига киради. У ердан 4 миллион сўм, заргарлик буюмлари ва бошқа нарсаларни ўғирлайди. Воқеа жойидан яшириниш учун ҳовлида турган «Тико» автомобилга ўтириб, номаълум томонга йўл олади. Кўрилган тезкор-қидирув чоралари натижасида олиб қочилган автомобиль «Андижон – Боғишамол» йўлида авария ҳолатида топилди. Узоққа кетолмаган ўғри ҳам қўлга олинди. У муқаддам судланган А. Абдорбек бўлиб чиқди.

Изуварлар пухта ўйланган режа асосида ҳаракат қилиб, М. Абдуманнопни қўлга олишти. У гиёҳфурушликда гумон қилинаётган эди. Унинг уйи кўздан кечирилганда, сотиш учун тайёрлаб қўйган марихуана моддаси топилди.

Шу йилнинг 13 март кuni туман ИИБ навбатчилик қисмига фуқаро К. Маъмуржон мурожаат этди. У ўз аризасида кечаси ишдан қайтаётганида уч номаълум кимса талаб кетишганини баён қилган эди. Зўравонлар аввалига ундан пул талаб этишади. Сўнг бошига шиша идиш билан уриб, ҳушидан кетганлигидан фойдаланиб, 326 минг сўм пулини олиб кетишади.

Зудлик билан тезкор-тергов гуруҳи тузилади. Эртаси куниеқ изкуварлар талончиларни қўлга олишга муваффақ бўлишти. Улар Марҳамат туманилик муқаддам судланган Х. Озодбек, М. Бурхон ва К. Миродил исмли шахслар бўлиб чиқди. Мазкур ҳолат бўйича тергов ҳаракатлари тугалланиб, жиноят иши судга оширилди.

Турли хизмат вакилларининг ана шундай тез ва аниқ ҳаракат қилишганига яна қўллаб мисоллар келтириш мумкин. Вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи инспектори, лейтенант Зокиржон Тоштемиров, «Машъал» маҳалласи профилактика инспектори, капитан Абдураҳмон Ортиқов, тергов бўлими бошлиғи, майор Умаржон Аҳмедов, навбатчилик қисми катта инспектори, катта лейтенант Равшанбек Муҳитдинов, қўриқлаш бўлими бошлиғи, майор Султонбек Тохиров кабилар ўз хизмат вазифаларини аъло даражада бажариб, бошқа ходимларга ўрнак бўлишяпти.

Осоийшталлик посбонлари фақат ўз кучларига ишонсалар, кўзланган натижаларга эриша олмайдилар. Улар маҳалла аҳлининг ишончини қозонсаларгина фуқаролар ўз кўмақларини аяшмайди. Сўнгги пайтларда маҳалла фаоллари, кенг жамоатчилик билан ҳамкорликни мустақамлаш йўлида кўп ишлар қилиняпти. Бу ҳамкорлик эса ўз навбатида жиноятчиликнинг олдини олиш борасида янгидан-янги имкониятларни очмоқда.

Қобилжон МАДУМАРОВ,
подполковник.

ХИЗМАТЛАРДА ВАЗИФАМИЗ ТЕЗКОРЛИК

Бўлинмамиз ходимлари тумандаги барқарорликни таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш ва содир этилганларини «иссиғида» фож этиш борасида бир қатор тезкор-қидирув ҳамда профилактик чора-тадбирларни амалга оширмоқдалар. Саъй-ҳаракатлар натижасида жорий йилнинг ўтган даврида содир этилган жиноятларнинг фож этилиши 92 фоиз, жиноят қидирув йўналиши бўйича 88 фоизни ташкил этди. Масалан, Ёрқиншоқ ип-йигирув ҳиссадорлик жамияти ombоридан нархи 982 минг сўмлик 4 той пахта толасини ўғирлаб кетган номаълум шахсларни қидириб топилди бўйича олиб борилган ишлар бесамар кетмади. Ушбу ўғирликни шу қишлоқда яшовчи 7 нафар шахс содир этганлиги аниқланди. Маълум бўлишича, жиноятчилар ўғирланган пахта толасини қўшни Қирғизистон Республикаси Алимтепа қишлоғида яшовчи Фарҳод исмли шахсга сотиб юборишган экан. Улардан 100 минг сўм пул, ўғирланган тола ташилган 3 та от далилий ашё сифатида олинди.

Шунингдек, ходимларимизнинг аниқ тезкор ҳаракатлари туфайли умумий нархи 2 миллион 803 минг сўмлик, жами 8 минг метр бўлган алюмин электр симларни ўғирлаб кетган жиноий гуруҳ қўлга олинди. Улар Қўрғонтепа шаҳрида яшовчилар А. Карим, С. Нормат, К. Маҳмуд бўлиб, туман ҳудудидан ўтган электр симларни тунда махсус мослама ёрдамида қирқиб олишиб, Андижон шаҳридаги «Поле чудес» бозорида номаълум шахсга арзон баҳода сотиб юборишган. «Кўза кунда эмас, кунда синади» деганларидек, сим ўғирларининг бешинчи бор «ов»лари бароридан келмай, қилмишлари фож этилди.

Б. МАДАМИНОВ,
Жалолқудуқ тумани ИИБ ЖҚ ва УЖҚКБ
катта тезкор вакили, капитан.

МУШТАРИЙ МУЛОҲАЗАСИ

Маълумотларга кўра, дунёда 21 миллиондан ортиқ киши гиёҳвандлик касалига мубтало бўлган. Уларнинг аксариятини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил қилади.

Инсонлар гиёҳвандлик моддаларини ўз ҳолатлари, ўй-хаёллари ёки феъл-атворларини ўзгартириш учун қабул қиладилар. Азалдан оғунинг кўпгина қисми кокаин олинадиган кока бутасидан, героин тайёрланадиган кўкнор, гашиш ҳамда марихуана сифатида ишлатиладиган наша каби ўсимликлардан тайёрланган. Ги-

ёҳвандлик миллат, ирқ танламайди. У ўз домига иродаси заиф кишиларни тортади. Гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилишга аёллардан кўра кўпроқ эркекларга ёки қишлоқда яшовчиларга қараганда, шаҳарликлар мойилроқдир. Улар орасида истеъмол қилиш даражаси ҳозирги кунда айниқса, охиб бормоқда.

Шу ўринда оғуларни ноқонуний этиштириш оқибатида иқтисодиётни издан чиқарадиган ва жамиятга зарар келтирадиган омил пайдо бўлди, десак асло янглишмаймиз. Чегараларнинг очиб юборилиши ва электрон алоқа воситаларининг оммави й л а ш у в и уюшган жиноий гуруҳлар учун гиёҳвандлик моддаларини тарқатиш ва бундан яхшигина даромад олишларида қўл келмоқда.

Келинг, бунинг оқибатларига бир назар ташлаб кўрайлик. Мутахас-

ОФАТГА ҚАРШИ КУРАШАЙЛИК!

сисларнинг фикрича, оғу қабул қилиш инсон саломатлигига ҳар томонлама зарардир. Ҳатто доимий тарзда эмас, ахён-ахёнда истеъмол қилинган марихуана ҳам хотирани сусайтириб

муддатдан сўнг жисмоний ва руҳий тушкунликка тушади. Бу эса борган сари дорини кўпроқ истеъмол қилишга, охир-оқибат нафас олишни бўғиб қўядиган даражага олиб келади.



юборар экан. Бундан ташқари, унинг идроки, сезгиси ва ҳаракатларини мувофиқлаштиришга таъсири кўнгилсиз ҳолисалар келтириб чиқариши мумкин. У қон босимига таъсир этиб охир-оқибатда руҳий танглик, безовталиқни келтириб чиқаради. Героин қабул қилган шахсда аввало, кўнгил айнийди, нафас олиши секинлашади, сўнгра тери қуруқлашади, қичишади, гапириш суръати секинлашади ва ғайритабиий ҳаракатлар содир этади. Маълум

Рухиятга кучли таъсир этувчи моддалар борасидаги асосий муаммо шундан иборатки, уни қабул қилганлар, асосий эътиборни ҳис-туйғунини жунбушга солиш ҳамда сархушлиқка қарагадилар. Аммо у организм нормал фаолият кўрсатишига тўсқинлик қилиши ва унга катта зарар етказиши ҳақида ўйлаб кўришмайди. Шундай экан, гиёҳвандлик моддаларини тарқатиш орқали жамиятга оғир шикаст етказилишига асло йўл қўя олмаймиз.

Дилором РҮЗМЕТОВА.

Наманган вилояти ИИБ ЙХХБ, халқ таълими, соғлиқни сақлаш бошқармалари ва бошқа мутасадди идоралар ходимлари томонидан ташкил этилган «Яшил чироқ» телевизион кўрик-танловнинг финал қисми Наманган шаҳридаги Бобур номли маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтди. Унда Учқўрғон туманидаги 11-ўрта умумтаълим мактабининг «Сезгир» гуруҳи ғолиб чиқди.

ЯШИЛ ЧИРОҚ – ДОИМ ҲАМРОҲ

Косонсой туманидаги 45-махсус мактаб-интернатда эса йўл ҳаракати ёш назоратчиларининг вилоят слёти уюштирилди. Унда 12 та шаҳар ва туманлардан жамоалар қатнашиб, йўл ҳаракати қондалари бўйича билимларини намойиш этдилар. Баҳсларда Наманган туманидаги 3-ўрта умумтаълим мактабининг «Хушёр» гуруҳи биринчи ўринни қўлга киритиб, келгуси йили республика босқичида қатнашадиган бўлди. Танловларда фаол иштирок этган барча жамоа аъзолари ҳамда алоҳида ўрнак кўрсатган қатнашчилар қимматбаҳо совғалар, Фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар.

Мана шундай тадбирлар натижасида болалар ўртасида йўл-транспорт ҳодисалари камаймоқда. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш нафақат мутасадди идоралар, балки кенг жамоатчилик, қолаверса ҳар биримизнинг вазифамиз бўлмоғи даркор. Болалар ҳар соҳада катталарга тақлид қилишни ҳуш кўрадилар. Аввал ўзимиз йўл ҳаракати қондаларига амал қилиб, сўнгра улардан талаб этсак қўллаб фалокатлар, кўнгилсизликларнинг олди олинади. Ўтказилган баҳслардан асосан ана шу мақсад кўзда тутилган.

Носиржон ЖҮРАЕВ.





Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллик муборак тўйи тобора яқинлашмоқда. Тарих учун қисқа, аммо давлатимиз, халқимиз ҳаётида бу йилларнинг ҳар бири асрларга тенгдир.


Олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар жамиятимизни тубдан модернизация қилиш, халқаро андозалар асосида демократик жараёнларни янада чуқурлаштиришга қаратилган. Буни Сурхондарё вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин. Вилоят шаҳар ва туманлари тобора ўзгариб, обод бўлиб бормоқда. Айниқса, Термиз шаҳрининг кундан-кунга чирой очаётгани кишини қувонтиради. «Тошғузор—Бойсун—Кумқўрғон» темир йўлининг барпо этилаётгани воҳада фаровонлик ошишига хизмат қилади. Яқин вақт ичида фойдаланишга топшириладиган бу йирик иншоот туфайли минглаб янги иш жойлари барпо этиш им-

таъкидлаш керакки, бу узок йиллик тарихий жараён, халқ эрки ва интилиши ифодаси, кураши, жасоратини ўзида мужассамлаштиради. Зеро, ўтган ҳар бир кун тарихимиз саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан битилади, унинг ҳар йили асрларга тенгдир. Бир сўз

кониятини ҳам яратади.

Истиқлол, Президентимиз ибораси билан айтганда, халқимизнинг асрий орзуси, буюк ютуғимиз бўлди. Шунинг билан айтганда, буюк келажакимиз олтин пойдеворидир. Президентимиз, давлатимиз раҳбарлари мамлакат ички ишлар тизимини ислоҳ қилишга жуذا катта эътибор бермоқда. Айтиш керакки, шу туфайли ички ишлар идоралари чинакам давлат ва

халқ манфаатларини ҳимоя қилувчи соҳага айланди. Маълумки, ҳар қандай ислохот тақдирини кадрлар, уларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш ҳал қилади. Шу туфайли ҳам вилоят ички ишлар бошқармаси тизимида бу масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бир сўз билан айтганда, эндиликда ички ишлар идораларида ишлаш учун ҳавас, иштиёқнинг ўзи кифоя эмас. Ислохотлар туфайли кадрларни танлов асосида саралаб олиш имконияти пайдо бўлди. Фақат муносибларгина сафларга қабул қилинапти. Бу айниқса, сержантлар таркибини танлашда яққол кўринди. Кейинги пайтда



Термиз тумани ИИБ ХЧК ва ФРБ катта инспектори, сержант Н. Бобоқулов.

рида кўплаб ходимлар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилди, уларнинг яшаш шароитларини яхшилаш, дам олишлари, саломатликларини тиклашлари бўйича қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг ҳаммаси тинчлик ва осойишталикни сақлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишда кўл келмоқда.

Вилоят ИИБ шахсий таркиби

АСРЛАРГА ТЕНГ ЙИЛЛАР



Термиз тумани ИИБ ХЧК ва ФРБ ходимлари хизмат пайтида.

вилоят ички ишлар идоралари сафларига ходимлар ана шу йўл билан келиб қўшилишмоқда.

Ички ишлар бошқармаси шаҳар, туман бўлимлари ва соҳавий хизматларида иш шароитлари яхшиланмоқда. Кейинги йилларда Музработ тумани ИИБга янги маъмурий бино қуриб берилди. Сариосиё тумани ИИБ учун кўшимча бино фойдаланишга топширилди. Термиз шаҳар ИИБ биноси капитал таъмирдан чиқарилди. Техника ва алоқа воситалари таъминоти яхшиланаяпти. Патруль-пост ва йўл-патруль, кинология хизматлари тубдан қайта ташкил этилди.

Ходимларнинг хизмат шароитларини яхшилаш билан бирга уларга ғамхўрлик даражаси ҳам оширилмоқда. Фахрий ва боқувчисини йўқотганлар қўллаб-қувватланмоқда. Йилнинг ўтган дав-

мамлакат жанубий ҳудудлари тинчлиги, осойишталиги учун масъул. Юксак вазифани шараф билан бажариш эса ҳар бир ходим зиммасига улкан вазифалар юклайди. Тинчлик ва осойишталикни таъминлашга муносиб ҳисса қўшиш билан бирга ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олишга асосий эътибор қаратилмоқда. Ахир дарднинг даволагандан кўра, унинг олдиқи олган афзаллигини ҳамма яхши билади. Шу туфайли ҳам барча хизмат соҳадари эътибори профилактикага қаратилган.

Кейинги пайтда вилоятда қасддан одам ўлдириш, талончилик, оғир тан жароҳати етказиш, номусга тегиш каби оғир турдаги жиноятларнинг олдини олиш тадбирлари изчил давом этмоқда. Диний экстремизм ва терроризм, гиёҳвандлик каби халқаро миқёс-

даги жиноятларнинг олдини олишга барча хизмат соҳалари, ҳар бир ходим, бутун шахсий таркиб йўналтирилган. Хусусан, шаҳар ва туман марказлари, шаҳарча ва қишлоқларда ҳушёрлик оширилган. Бу ишда кенг жамоатчилик билан ҳамкорлик аллақачон ўзини оқлади. Зеро, нафақат жиноятлар «иссиғида» фош этила-япти, балки ўнлаб жиноятларнинг олди олинди, кўплаб ноқонуний моддий-товар бойликлари, гиёҳвандлик воситалари, қурол-яроғ ва ўқ-дорилар аниқланиб, мусодара қилинди.

Мустақиллик байрами — қутлуғ сана. Айёмга пухта таралдуд кўрилаяпти. Бунинг учун барча шаҳар-туман ИИБлари, бошқарма ва соҳавий хизматларда тадбирлар ишлаб чиқилган. Мақсад тантаналар, оммавий йиғин, кўнгилочар оқшомларни ўтказиш чоғида тартиб-интизом, осойишталик ва хавфсизликни таъминлашдир.

Ш. Жўрақулов,

Сурхондарё вилояти ИИБ ШТБХХ бошлигининг ўринбосари, майор.

ҲАМКОРЛИК

Онам билан бирга пойтахтдаги «Чилонзор» буюм бозорига борган эдим. Оёқ кийимлар сотилаётган раста олдида турганимизда, кўзим одамларни туртиб-суртиб югуриб кетаётган болакайга тушди. Унинг ортидан эса «Тўхта, ўғрини ушланглар!» дея ўрта ёшлардаги киши қувлаб борарди. Ушбу манзарани кўргач, бола бирор буюмни ўмарганини билиб олиш қийин эмасди. Ҳали вояга етмаган болакайнинг бундай хатти-ҳаракатини қандай изоҳлаш мумкин?

Ўйлаб қаралса, тилга олинган нохуш воқеага ўхшаш ҳолатлар замирида бола-ларнинг назоратсиз қолиши, уларнинг тарбиясига ота-оналари, яқинлари лоқайд муносабатда эканлиги яққол кўзга ташланади. Буни инобатга олган республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, ички ишлар идоралари ва бошқа мутасадди ташкилотларнинг ходимлари биргаликда ёшлар ўртасида маърифий-тарбиявий ишларни кучайтиришга алоҳида аҳамият беришяпти. Масалан, ҳаракатнинг Наманган шаҳар бўлими кенгаши, шаҳар прокуратураси ва ИИБ ходимлари томонидан «Бозор боласи» шиори остида ҳудуддаги «Сардоба» ва «Чорсу» бозорларида рейдлар ўтказилгани диққатга сазовордир. Рейдлар давомида 28 нафар вояга етмаган бола бозорларда дайдилик қилиб юргани аниқланди. Уларнинг ўзлари ҳамда ота-оналари билан тушунтириш-профилактика ишлари олиб борилди. Бу, албатта, ижобий натижа бериши табиий. Шу ўринда Навоий вилояти бозорларида аравақашлик қилаётган ва тижорат билан шуғулланаётган болаларни ўқинишга жалб қилиш мақсадида ташкил этилган «Ўсмир» тадбирини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз.

Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда уларга етарлича ҳуқуқий билим бериш ва шу орқали турли норас-


АҚЛ ЧИРОҒИ КИМНИНГ ҚЎЛИДА?

мий оқимлар ҳамда иллатлар домига тушиб қолмасликларига эътибор қаратилаяпти. Айнан шу мақсадда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Поп тумани бўлими кенгашида «Биз, ёшлар диний экстремизмга қаршимиз», «Биз тамаки ва гиёҳвандликка қаршимиз» мавзуларида суҳбатлар уюштирилди. Тадбирда маҳалла фаоллари, профилактика инспекторлари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар сўзга чиқиб, барча ёшларни бирлашиб, глобал муаммоларга қарши курашишга даъват этишди, шунингдек, бепарволикка чек қўйишга чорлашди. Бундан ташқари, маҳаллаларда уюштирилган «Жиноят ва жазо», «Ўсмир ва қонун» мавзуларидаги давра суҳбатлари ички ишлар ходимлари ва жамоат ташкилотлари вакилларининг ҳамкорлиги нақадар муҳим эканлигини яна бир бор исботлади.

Кундалик ҳаётимизда баъзи инсонлар, хусусан ёшларимиз амалдаги қонуларни яхши билмасликлари сабабли ўз ҳақ-

ҳуқуқлари топталишига қарши ҳеч қандай чора-тадбирлар кўришмаётганларининг гувоҳи бўламиз. Оддийгина истеъмолчилик ҳуқуқини олайлик. Дукондан харид қилинган маҳсулотни истеъмолга яроқсиз чиққан ҳар қандай харидор ҳам қайтиб бориб, чекни сотувчига қўрсатган ҳолда сотиб олинган сифатсиз маҳсулот ўрнига янгисини беришни талаб қилмайди. Баъзилар уялади, бошқа бировлар эса бундай қилиш мумкинлиги ҳақида умуман маълумотга эга эмас...

Республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, Ички ишлар ҳамда Халқ таълими вазирликлари ва бошқа қатор мутасадди идоралар ҳамкорлигида ёшлар ўртасида миллий қонунчилигимизни тарғиб қилиш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ўз ҳақ-ҳуқуқларини онгли равишда тушуниб етишлари, Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшишларини таъминлаш мақсадида «Сиз қонунни биласизми?» кўриктанловини ўтказди. Унда қонунчилигимиз ва уларнинг ижросига доир ақлни чарчловчи савол-жавоблар бўлиб ўтди, саҳна кўринишлари ижро этилди.



— Танловда билдирилган фикр-мулоҳазалар, — дейди «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши таълим муассасаларидаги ёшлар билан ишлаш бўлими етакчи мутахассиси Сарвар Ашуров, — ёш авлод онгида Конституциямиз, ҳуқуқ ҳақидаги тушунчаларни мустаҳкамлади. Бу эса уларнинг бўш вақтларини унумли ўтказиш ва турли хил норасмий оқимлар таъсирига тушиб қолишларининг олдини олишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Тадбирлар шунингдек, ёшларимиз онги, дунёқарашини шакллантириб, ҳуқуқбузарликларга йўл қўймасликларига олиб келаяпти, десак янглишмаган бўламиз.

Ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар кўлами кенг. Ҳаракатнинг барча вилоят, туман, шаҳар бўлиналари раислари жойлардаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиялари сафида фаолият юритишяпти ҳам диққатга сазовор. Тарбияси оғир ўсмирлар намунали бошланғич ташкилотлар томонидан оталиққа олиниб, тажрибали етакчилар, фаоллар бириктирилган. Улар оммавий спорт турлари бўйича мусобақалар, маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этишяпти. Бу эса ўз самарасини бермоқда. Оқибатда ўсмирлар қанча вақтдан бери ҳисобда туриши, ҳулқи, оиласидаги маънавий муҳит ўрганилиб, ижобий натижаларга эришганларини тавсия билан рўйхатдан чиқаришга ҳаракат қилинапти. Жазони ўташ жойларидан қайтган ёшларга эса паспорт олиш, яшаш жойида рўйхатдан ўтиш, ишга жойлашиш, оиласини тиклаш каби ҳаётини муаммоларни ечишда амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Буларнинг барчаси ўз навбатида, эртанги кун эгаларини масъулиятни ҳис этиб яшашга чорламоқда.

Ақл чироғи кимнинг қўлида? Бизнингча ёшларда. Шу боис замон улардан жўшқинлик, ташаббускорлик, кучли билим ва бирдамликни талаб қилмоқда. Ҳозирда ёшларимиз маънан етук, ўз ҳақ-ҳуқуқлари, қонуларнинг моҳиятини англаб етишган. Асосийси, бугун уларни ҳеч қандай қора куч танлаган йўлларидан чалғитиб, адаштиролмайдми.

Умидо МИРЗАБЕКОВА.

Суратда: тадбирдан лавҳа.

ХУҚУҚИЙ МАСЛАХАТХОНА

Амалдаги қонунларимизга кўра қандай ҳолатларда ҳимоячининг иштироки мажбурий ҳисобланади?

Ф. Алимова,
Тошкент вилояти
Янгийул тумани.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 51-моддасига кўра, қуйидаги вазиятларда ҳимоячи иштирокини таъминлаш мажбурий саналади:

1. Вояга етмаганларнинг иши бўйича.
2. Соқов, қар, кўзи ожиз, жисмоний нуқсонга ёки руҳий касаллиги сабабли ўзини-ўзи ҳимоя қилиш ҳуқуқини амалга оширишга қийналган бошқа шахсларнинг иши бўйича.
3. Дастлабки тергов-судлов иши олиб борилаётган тилни билмайдиган шахсларнинг иши бўйича.
4. Шахсларнинг манфаатлари қарама-қарши бўлиб, улардан бири ҳимоячига эга бўлган ишлар бўйича.
5. Давлат ёки жамоат айбловчиси иштирок этаётган ишлар бўйича.
6. Жабрланувчининг вакили сифатида адвокат иштирок этаётган ишлар бўйича.
7. Тиббий йўсинда мажбурият чораларини қўллаш тўғри-

сидаги ишлар бўйича.

Шунингдек, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд ишнинг мураккаблиги ва бошқа ҳолатлардан келиб чиқиб, ҳимоячи иштирокини шарт, деб топишга ҳақлидир. (Яъни гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўз ҳуқуқларини амалга оширишда қийналиши мумкин, деган хулосага келинса).

Башарти ушбу моддада кўрсатилган ҳолларда гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки уларнинг илтимосига кўра ёхуд розилиги билан бошқа шахслар томонидан ҳимоячи таклиф қилинмаган бўлса, адвокатлар бюроси, ҳайъати ёки фирмаси раҳбари суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки

суднинг талаби бўйича, суриштирувда, дастлабки терговда ёки ишнинг судда муҳокама қилишда иштирок этиш учун ҳимоячи тайинлаши шарт.

Мерос олишда эрнинг (хотиннинг) ҳуқуқлари тўғрисида тушунтириш берсангиз.

У. Матниязова,
Хоразм вилояти
Урганч шаҳри.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1143-моддасига асосан васиятнома ёки қонун бўйича эрга (хотинга) тегишли бўлган ворислик ҳуқуқининг мерос қолдирувчи билан никоҳдаги ҳолатига боғлиқ бошқа мулк ҳуқуқлари, шу жумладан, никоҳда

бўлиб, биргаликда орттирилган мол-мулкнинг муайян қисмига нисбатан бўлган мулк ҳуқуқига дахл қилмайди.

Агар мерос қолдирувчи билан тузилган никоҳ мерос очилгунга қадар амалда бўлган бўлса ва мерос очилгунча камидан беш йил мобайнида эр-хотин алоҳида-алоҳида яшаганликлари исботланса, суднинг қарори билан эр (хотин) қонун бўйича ворисликдан четлаштирилиши мумкин. Ушбу кодекснинг 1142-моддаси, яъни меросдан мажбурий улуш олиш бундан мустасно.

Мен фуқаролик паспортимни йўқотиб қўйдим. Бунинг учун қандай жазо белгиланган?

Ш. Рустамов,
ҳайдовчи.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 223-моддасида паспортни бўлиши шарт бўлган фуқароларнинг паспортсиз ёки ҳақиқий бўлмаган паспорт билан, вақтинча ёки доимий рўйхатдан ўтмай яшаши, паспортни қасддан яроқсизлантириши, шунингдек, паспортни бепарволик билан сақлаши ва бунинг оқибатида паспортнинг йўқолиши энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солинишига сабаб бўлиши белгилаб қўйилган.

Уй ҳайвонлари томонидан зарар етказилса, бунинг учун ким жавобгар бўлади?

Н. Неъматжонов,
талаба.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1002-моддасига асосан, мабодо уй ҳайвонлари зарар етказса унинг мулкдори ёки бу ҳайвонга эгалик қилувчи ва ундан фойдаланувчи шахс умумий асосларда жавобгар ҳисобланади.


Н. ҲАБИБУЛЛАЕВ,
ҳуқуқшунос.

ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА

ҲАЁТ ҲАЛИ ОЛДИНДА

Шерзод «Олой» бозоридан онаси тайинлаган майда-чуйдаларни харид қилди-да, машинасига ўтириб йўлга тушди. Ҳали унчалик кўп юрмаган ҳам эдики, бир йўловчи тўхтатиб Сирғали тумани Дўстлик мавзесидаги маҳалла идорасига олиб боришини илтимос қилди. Йўли бир эканлигини билиб, ўзи билан бирга олиб кетди. Маҳалла идораси рўпарасида машинасини тўхтатар экан, эрталаб онаси айтган маълумотномани олиб чиқиш кераклиги ёдига тушиб, бирров кириб чиқишга қарор қилди. Ишини битириб чиқаётганида маҳалла оқсоқолининг ҳалиги йигитга нималарнидир тушунтираётгани кўлогига чалинди. Англишича, йигит яқинда қамқондан чиққан бўлиб, иш сўраб келган эди. Шерзод бироз ўйланиб қолди-да, сўнг нимадир ёдига тушгандай тез чиқиб кетди. Охира машинасига ўтирди. Бояги йигит ҳақида ўйларкан, ўз ўтмиши кўз олдидан кино тасмасидай ўта бошлади...

Ешлтигидан акаси Шокир билан аҳил-иноқ бўлиб вояга етдилар. Шокир жиддийроқ, Шерзод эса қувноқ, бунинг устига жиззакироқ эди. Кейинчалик бир сингиллик ҳам бўлдилар. Шокир касб-хунар ўрганишга интилар, укаси эса эрталабдан кечгача кўча чангитиб, ишга ҳеч бўйни ёр бермасди. Ота-онаси ҳам етарли эътибор бермади. Мактабни битиришгандан сўнг, акаси ҳарбий хизматни ўтаб келгач, тоғасининг фирмасига ишга кириб, савдо-сотик билан шугуллана бошлади. Пул тўплаб уйланди. Шерзод эса ҳали-ҳамон ишласа, улфатлари билан кайф-сафодан бўшамасди. Ота-онаси, акаси, яқинларининг гапи кор қилмади. Бора-бора ичкиликка ружу қўйди. Оғайнилари билан майда безориликлар қилиб қамалиб кетишига оз қолди.



Охири онасининг қистови билан у ҳам тоғасининг фирмасига ишга кирди. Икки йилча ишлаб яхшигина пул топди. Ота-онаси сал тинчигандек бўлди. Лекин аксига олиб тоғасининг фирмаси касодга учраб ётибди. Акаси Шокир ижарага машина олиб киракашлик қила бошлади. Шерзод эса ишсиз қолиб, яна улфатларига қўшилди.

Бир куни оғайнилари билан бири уйланидан бўлиб қолди. Дўстлар келишиб 20000 сўмдан йиғадиган бўлишди. Шерзоднинг ёнида пули йўқлиги сабабли:

— Оғайнилари, агар хафа бўлмасангиз пулни эртага, узоғи билан индинги кунга олиб келаман, — деди. Улар рози бўлишди-ю, фақат Нодиргина:

— Эй, қанақа одамсан, пулинг бўлмаса!? Вақтни чўзишнинг нима кераги бор. Ота-онангдан олтин-да, бер! — деди. Шерзод ўзини базўр тийиб:

— Нега тушунмайсан, ота-онам нафақада бўлса, қай юз билан сўрайман? Пулни айтган пайтимга олиб келаман. Ахир, қочиб кетмайман-ку! — деди. Нодир ҳамон авжига чиқар эди:

— Наҳот ота-онанга сўзинг

ўтмаса! Ҳайф сендақа йигитга!

Ҳақоратга чидай олмаган Шерзод унга ташланиб кетди. Атрофдагилар ҳарчанд ҳаракат қилишмасин, ажрата олишмади. Шерзод хонтахта устида турган личокни олиб Нодирнинг чап биқинига сангди. У секин эрга йиқилди. Турганларнинг барчаси бир зум қотиб қолди. Нодир кўп қон йўқотганидан ҳушидан кетди. Уни тезда яқин атрофдаги касалхонага олиб боришди. Шерзод эса уйига қайтди. Ўғлининг аҳволини кўрган Дилнора ая бирон ёмон иш қилиб қўймадимикан, деган ҳадик билан олдига кирди. У эса эшитишни ҳам хоҳламади. Сиқилиб турган онанинг хаёлини эшик кўнгириги бузди. Эпикни очса, ички ишлар ходими. У ўзини таништириб, сўнг вазиятни тушунтирди. Саросимага тушган она ўғлининг олдига кириб, ички ишлар ходими уни излаб келганини айтиб, сўроқдай кетди. Шерзод:

— Ойи, ўзингизни босинг. Ҳеч гап бўлгани йўқ! Ҳаммаси жойида бўлади. Фақат сиз тинчланинг, — дея инспекторнинг олдига чиқди.

Она дод солди, илтимос қилди. Лекин бефойда. Шерзодни бошқармага олиб боришди.

Тергов қилишганида айбини бўйнига олди. Яхши ҳамки, бу вақтда Нодирнинг ота-онаси ҳеч қандай даъво қилишмади. Дилнора аянинг ўзи Нодирнинг шифо топиши учун керакли барча дори-дармонларни олиб берди. Бундан ташқари, уйдаги барча қимматбаҳо буюмларни сотиб ўғлига адвокат ёллади. Адвокат ҳар қанча ҳаракат қилгани билан, Шерзод ўз айбига яраша жазо олди. Суд уни 5 йилга озодликдан маҳрум этди.

Дилнора ая ўзини анча олдириб қўйди. Бу ҳам етмагандек, катта ўғлининг иши юришмади. Бу ёқда қизининг ҳам бўйи етиб қолган. Каттагина қарзи ҳам бор эди. Аянинг бахтига қариндош-уруғлар ёрдам бериб туришди.

Шерзод эса қамқонда ўтирар экан, қилмишларини бир бошдан ўйлаб чиқди. Ота-она, қариндошларининг юзини ерга қаратганлигини англаб етди. Озодликка чиққандан сўнг барчасини ўнглашга ўзига-ўзи сўз берди.

Жазони ўташ муассасасида ўзининг намунали ҳуқуқи туфайли муддатидан олдин мустақиллик байрами шарофати билан эълон қилинган амнистия туфайли озодликка чиқди. Шерзоднинг яқинлари ўзида йўқ шод. Унинг, айниқса, онасига раҳми келди. Бечора сиқилганидан ўзини анча олдириб қўйибди. Уй ҳам бир аҳволга тушган. Шерзод бир ҳафтача дам олиб, тезда пул топиш учун ҳаракат қилди. Ижарага машина олиб киракашлик қила бошлади. Яхши ишлагани сабабли, бир йилга етмай ижара пулидан қутулди. Акаси билан келишиб уйни таъмирлашди. Сингилсини турмушга берди. Ҳамма қарзларини узишди. Шуларни бирма-бир эста олар экан, ўзига-ўзи:

— Ҳечқиси йўқ, ҳали ҳаёт олдинда! Беайб парвардигор. Ҳали ҳаммаси яхши бўлади. Худо хоҳласа, бу йигит ҳам кўрмагандай бўлади. Ҳаммаси ўзига боғлиқ, — дея йўлга тушди.

Савара СОДИҚОВА.

МИННАТДОРМИЗ

Дунёда эл-юрт осойишталигини сақлашдан ҳам шарафли иш бўлмаса керак. Шуни ҳам мамнуният билан таъкидламоқчимизки, кейинги пайтда вилоятимизда, шу жумладан, туманимизда осойишталик посбонларининг саъй-ҳаракатлари туфайли жиноятчиликнинг кескин камайишига эришилди. Шу ўринда маҳалламизда тез-тез бўлиб, фуқаролар билан профилактик ишлар олиб бораётган Урганч тумани ИИБ тезкор вакили, капитан Мақсудбек Эшниеъзов, профилактика инспектори, майор Улугбек Болтаев, вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш турухи инспектори, капитан Олимбой Курбоновларнинг мақтовга сазовор ишларини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз.

Гиёҳвандлик иллати бугун барчани бирдай ташвишга солаётган муаммодир. Айрим бир кимсалар ёшларимизни ана шу оғу билан заҳарлаб, уларни тирик мурдага айлантиришга уринмоқдалар. Қишлоғимизда яшовчи 67 ёшли Х. Собир келини И. Нитора билан Б. Давлатга героин моддасини сотаётган пайтда туман ички ишлар бўлими ходимлари томонидан қўлга олиниб, уларга нисбатан қонуний чоралар кўрилди. Қишлоғимиз аҳлининг юзини ерга қаратган яна икки нафар фуқаро ака-ука Бозоровлар ҳам шундай қилмишлари учун жавобгарликка тортилдилар.

Яқинда қишлоғимизда пайдо бўлган нотаниш «Жигули» автомашинаси ички ишлар ходимлари томонидан тўхтатиб текширилганида ҳайдовчи Б. Йўлдошбой ва унинг ҳамроҳлари ёнидан героин гиёҳвандлик моддаси топилди. Шу ўринда фуқаролар йигини фаолларининг ҳам ички ишлар ходимларига қўшқанот бўлаётганликларини айтиб ўтмоқчиман. Ахир қарс икки қўлдан чиқади-да. Жирканч ишларни кўриб, лоқайдлик билан ўтиб кетаверсак инсофдан бўлмайди-ку. Биз ҳар доим хушёр ва огоҳ бўлишимиз лозимлигини давр тақозо этмоқда.

Йўлдош ОТАЖОНОВ,
маҳалла оқсоқоли.

ҚАЙНОТА-КУЁВ МОЖАРОСИ

«Кудачилик — минг йилчилик» деган гап бежизга эмас. Ҳа, шундай қудалар борки, кўрганда ҳавас қилиб, ҳатто мен шу одамлар билан қуда тутинсам дейсан. Қудалар бор бир-бирига ёв.

Урганчилик Ҳасан Шарипов ва Раиса Бердиевалар 2002 йилда ўз хоҳишлари билан турмуш қуришади. Ўрталарида ўғил туғилади. Бироқ фарзанд ҳам бу икки ёшнинг кейинчалик яхши яшаб кетишига ёрдам беролмади.

— Бу кишига турмушга чиққанымдан бери тинч ҳаёт кечирмадим, — дейди Раиса. — Шу туфайли бир ой ўзим келин бўлиб тушган хонадонда, бир ой ота-онамникида яшашга мажбур бўлардим. Сабаби эрим ва унинг оила аъзолари билан чиқишмас эдим.

Охир-оқибат нафақат ёшлар ажрашиб кетишди, балки икки оила бир-бирига ёв бўлиб қолишди. Куёв Ҳасанбой Шарипов ва қайнота Озод Бердиевлар ўртасида бўлиб ўтган жанжал ишларга хотима ясади. Қайнота куёвни уриб, унга энгил тан жароҳати етказди.

— Қайнотам телефонда онамни ҳар хил гаплар билан ҳақорат қилади. Мен нима учун онамни ҳақорат қилдингиз, дейишим билан Озод ака ва ўғиллари мени ура кетишди, — дейди Ҳасанбой.

Энди Озод Бердиевнинг қўшниси Юсуфбой Курбоннинг гапларига кулоқ тутинг:

— Озод билан қўшнимиз. Куёвни эса тўрт йилдан бери танийман. Озод қизи Раисани ҳар сафар

ўзи олиб бориб яраштириб келарди. Бир куни куёвни кўчада кўриб қолиб насиҳат қилдим, ўртада фарзандларингиз бор, турмушнинг қийинчиликлари чиданглар, яхши яшаб кетасизлар, дедим.

Кексалар қизни узатаётди: «Борган жойингда тошдек қотиб, гужумдек томир отиб, палак ёзгин», — деб дуо қилишади. Нақадар пурмаъно гап. Ахир, келинларимиз ҳам оилада учрайдиган унча-мунча қийинчиликларга чидаб, сабр қилишлари керак эмасми? Агар келин уйдаги гапни кўчага чиқарса, бўлар-бўлмас нарсаларга аразлайверса, янги хонадондан мустақам ўрин эгаллай олмаслиги тайин.

— Мен қилган ишимдан пуншаймонман, — дейди қайнота Озод Бердиев. — Нима бўлганда ҳам мен сабрлироқ ва босиқ бўлишим керак эди...

Биз атайлаб воқеани бошидан охиригача таърифлаб ўтирмадик. Бунга ҳолат ҳам йўқ. Икки ёшнинг инжиқликлари, ўзларини тута билмасликлари, қолаверса, оила қуриш борасида тажрибалари йўқлиги туфайли қудалар шу даражага бориб етишди. Бир одамга нисбатан эса жиноят иши кўзгатилади. Бу ҳам етмаганидек, унибўсиб келаётган бир норасиданинг кейинги ҳаётига зиён етди.

Жавлон ХУДОЙБЕРГАНОВ,
катта лейтенант.



Тула эндигина 15 ёшга тўлганига қарамай ҳаётда бошидан не-не савдоларни ўтказиб ўтирган. Айниқса, сўнги йил ичюда.

ЧАНГДА ҚОЛГАН ГУЛ

Қизалоқ дунёга келганида, онаси унчалик қувонмади. Биринчи эридан икки боласи бўлган Назира жазманига яхши кўриниш учунгина туққан эди. Топармон-тутармон бу эркак фарзандини кўриб, кўнгли юмшайди, менга боғланиб қолади, деб ўйлаганди. Аммо бундай бўлмади — Гуля бир ёшга тўлар-тўлмас отаси уларни ташлаб кетди. Қиз уйига келиб-кетиб турадиган бегона эркакларни «ота» деб улғайди. Улар болаларга конфет бериб, ўйнагани чиқариб юборишарди.

Ақаси 12 ёшга кирганида онаси қандай «хунар» билан шуғулланишини англаб етиб, уйдан бош олиб чиқиб кетди. Назира: «Туққан онангдан ор қиладиган бўлсанг, кетсанг — ундан нари!» деди ичида. Ордан икки йиллар ўтиб ака ўз укасини ҳам олиб кетгач, Назира аччиқ-аччиқ кўз ёши тўкди. Ўшанда Гуля 8 ёшда бўлиб, онасига жуда-жуда ачинган эди.

Уйларида ташриф буюрувчи бегона эркакларнинг сафи бора-бора сийраклаша бошлади. Аммо буни онасининг сочидаги оқ толаларнинг, юзидаги ажинларнинг кўпайиши билан боғлаш Гулянинг хаёлига ҳам келмасди.

Бошланғич синфларда Гуля яхши ўқирди. Аммо 5-синфда ўқиётганида мактабга бормай қўйди. Сабаби, уни «Назира суюқоёқнинг қизи» деб масхара қилишарди. Гуля онасини жуда яхши кўрарди. Шунинг учун бу гап-сўзларга ишонмасди, роса йилларди.

Гуля саккизинчи синфга ўтгач, онасининг аҳволи бутунлай ёмонлашди. Назира тез-тез касал бўлар, қизини бўлар-бўлмасга жеркиб-силтарди. Рўзғорда йўқчилик бошланди, қавм-қариндошлардан пул олавериб, қарзга ботишди.

Бир куни уйларида Мақсуда исмли жувон пайдо бўлди. Икки кундан кейин Гуляни официанткаликка жойлаштирарди, деб Тошкентга олиб кетди. Назирага қизингизни ойлигидан чегириб қоламан, деб 50 минг сўм берди.

Бир ҳафтадан сўнг «Ғамхўр» холаси Гуляга яшаш қийинлашиб кетаётганлигидан нолиб, қарзини қайтариши учун тезроқ иш бошлаши лозимлигини айтди. «Онангнинг яхшироқ даволаниши учун ҳам пул зарур», — деди. Қиз қанақа иш ҳақида гап бораётганлигини тез орада тушунди. «Пул тўплаб, онамга ёрдам бераман, ўзим ҳам бойвуччаларга ўхшаб яшайман», — дея ҳаёл қилди содда Гуля.

Биринчи «мижоз» қўшмачига 100 АҚШ доллари берди. Қизга арзимасгина улуш тегди. Эртасига у ўзини ёмон ҳис қилиб юрди. Шундан сўнг кун ўтгани сайин мижозлар сони орта борди. Оладиган пули эса ўша-ўша эди. Мақсуда: «Қолган иш ҳақингни онамга жўнатайяпман», — дерди.

Гуля тақдирга тан берди. Агар ички ишлар ходимлари Мақсуданинг қўшмачилик фаолиятига чек қўйишмаганида ким билади дейсиз-шўрлик қизнинг бошига яна не кунлар тушарди. Гуляга «Истиқболли авлод» нодавлат ташкилоти беминнат ёрдам кўрсатди. У пойтахтдаги тери-таносил касалликлари шифохонасида бир ой давомида даволанди. Мазкур ташкилот вакиллари ҳар куни унинг ҳолидан хабар олиб туришди.

Сўнг Гуляни уйига жўнатишди. Онаю қиз дийдор кўришишди. «Боламнинг бошига оғир кунлар тушганлигига мен айбдорман», — дейди Назира кўзига ёши олиб. Аянчли ўтмишини унутиб, янги ҳаёт бошлаши учун Гуляда ҳозир барча имкониятлар бор. Ва у бундан тўғри фойдаланиб ўз йўлини топади, деган умиддамиз.

Борис КЛЕЙМАН.



ҲАМИША СОФЛИГИЧА ҚОЛАДИ

рон бўлингиз, — деди у. — Балки бемазароқ одам экан, деб ўйлагандирсиз. Мен ўзим асли туркманistonликман. Ўқиш учун бу ерларга келганман. Институтга ҳам кирдим. Курсимизда турли вилоятлардан келган қизлар кўп эди. Аммо Соҳиба жуда бошқача, ҳеч кимга ўхшамасди. Иболи қарашлари, майин овози, камтар, камсуқумлиги, қараб турганингизни кўриб қолса, дув қизариб кетишлари ҳеч эсимдан чиқмайди. Мен унда чинакам гўзалликни, ҳақиқий жозибани кўрганман. Биласизми, унга кўнглимни ёриш учун бир йил қийналдим. Чунки тўғридан-тўғри дил изҳор қилолмасдим, журъатим етмасди. Соҳибанинг ички олами ҳам ўзи каби гўзал, дилбар эди. Вақт ўтиб, унга қалбимдаги туйғуларни маълум қилдим... У ҳам менга нисбатан бефарқ эмас экан.

Сўхбатдошим биров жим бўлиб қолди-да, сўнгра сўзида давом этди:

— Орадан йиллар ўтди. Битирув курсида турмуш қуришни режалаштирдик. Бир-биримиздан ҳеч қачон ажралмаймиз, бир умр бирга бўламиз, дея аҳдлашган кунимиз кечагидек ёдимда.

Афсуски, уйдагиларим олис жойдан келин олмаимиз, бошқасини топ, бўлмас ўзимиз ҳаракат қиламиз, деб оёқ тираб туриб олишди.

Узоқ тортишувдан сўнг уларни кўндирдим. Лекин Соҳибанинг ота-онаси борган совчиларга рад жавоби бериб қайтаришди.

Ҳатто ўша томонда яшайдиган курсдош йигитларни олиб, ўзим уйлари борганман. Тақдир дегани шумикан, улар барибир рози бўлишмади. Соҳиба эса чорасиз қолган, ота-онасининг юзидан ўтиб бир нарса деёлмасди. Шу орада ўқишни ҳам битирдик. Ўша дамлар мен учун жуда оғир

бўлган. Чунки Соҳиба ҳам Китобга қайтиб шу ерда ишлаши керак эди. У билан охири марта учрашдик. Нечундир бир-биримизга қаролмасдик. Аммо кўнглидаги дардимиз бир эди...

Кейин у кетди. Мен эса Тошкентда қолдим. Гўё дунёдаги энг азиз нарсамни, умримнинг маъносини йўқотиб қўйгандим. Энди мени ҳеч нарса қизиктирмасди. Хизмат юзасидан Қашқадарёга жўнатишди. Соҳибани излаб топдим. У бир йилгитта унаштирилганини айтди. Юрагимда нимадир бутунлай узилиб кетгандай бўлди. Ҳатто тилим айланмай қолганли. Зўрага ўзимни қўлга олиб, унга бахт тиладим-да, сўзсиз хайрлашдим. У ҳам бир сўз деёлмас, фақат юмюм йилларди, холос.

Шу алфозда йиллар ўтди. Тенгдошларим оилали, фарзандли ҳам бўлишди. Кейинчалик уйдагилар айтган қизга ноилож уйландим. Келиннинг яхши аёл, меҳрибон, ширинсўз. Аммо Соҳибани унутолмаяпман, ҳамон кўнглимни армон ўртади.

Сўхбатдошимнинг нигоҳида ажиб бир соғинч шундоққина сезилиб турарди. Манзилга ҳам етиб келидик. Машинадан тушаётди сумкамни кавлаётганимни кўрган ҳайдовчи норози оҳангда деди:

— Синглим, мени хафа қилаяпсиз, киракаш эмасман, қолаверса, унутманг, дунёда пулга, бойликка топилайдиган, сотиб олишининг иложи бўлмаган нарсалар ҳам бор.

Унга раҳмат айтиб, уй томон борар эканман, қалбимдан бир ўй кечди. Айрим кишиларнинг ҳозирги замонда муҳаббат қоптими, пулинг бўлса, ҳамма нарсани сотиб оласан, деган сўзларини эшитиб қоламиз. Аммо бундай воқеалардан хабар топгач баъзан кўча-кўйда қулоққа чалиниб қоладиган, муҳаббатдек буюк туйғуга нисбатан билдирилган эътирозлардан ҳайратга тушмай иложингиз йўқ. Негаки, севги ҳамини поклигича, софлигича яшайверади. Унга муносабат эса ҳамманнинг тафаккури, дунёқарашини, ҳаётга нисбатан муносабати билан белгиланади, ўлчанади.

Умидда БОЛЛИЕВА.






ROSTDA-TV

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

31 июль – 6 август

«Биринчи»
канал,
якшанба
23.40



Террорчи Фрэнки Мак Гир ирланд айирмачиларининг энг хавfli жангариларидан. У англиялик 13 аскар ва 11 полициячини ўлдирган. Ҳукумат кўшинларига қарши жанговар ҳаракатлардан сўнг Нью-Йоркка қочишга мажбур бўлади. У ерда дўсти Шон билан бирга кейинги жанглар учун «стингер» типдаги ракеталарни харид қилмоқчи...

Ролларда: Харрисон Форд,
Брэд Питт,
Маргарет Колин.

«ШАЙТОННИНГ МУЛКИ» («СОБСТВЕННОСТЬ ДЬЯВОЛА»)

ТВ 3, душанба

22.00 Жангари фильм «КУТИЛМА-ГАН ЎЛИМ» («ВНЕЗАПНАЯ СМЕРТЬ»)

Пауэр Бут бошчилигидаги террорчилар ўйингоҳдаги бир гуруҳ одамларни гаровга олишади. Гаровдагилар орасидаги вице-президентдан ташқари ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимининг қизи ҳам бор. Террорчилар ўзлари кўрсатган ҳисоб рақамларига «музлатилган» ҳисоб рақамларидан жуда катта миқдорда пул ўтказилишини талаб қиладилар. Ёнғин хавфсизлиги хизмати офицери уларга қарши муросасиз кураш бошлайди.

Ролларда: Жан-Клод Ван Дамм, Пауэрс Бут, Рэймонд Жей Бэрри.



ТВ 3, пайшанба

24.00 Триллер «МУҲОКАМАГА ЎРИН ЙЎҚ» («ОБСУЖДЕНИЮ НЕ ПОДЛЕЖИТ»)

Оғир вазнда бокс бўйича жаҳон чемпиони Жеймс Чемберс номусга тегиш жинояти содир этгани учун ҳам юксак унвонидан айрилади, ҳам озодликдан маҳрум қилинади. У жазони ўташ учун юборилган қамоқхонада Монро Хатчинс бокс бўйича чемпион ҳисобланади. Аммо Чемберс биладики, бу спорт тури бўйича ўзига тенг келадигани йўқ. Тез орада иккиси ўртасида ҳаёт-мамот жанги бошланади.

Ролларда: Уэсли Снайпс, Винг Рэймс.



НТВ, шанба

22.50 Комедия «ТЎРТ ТЎЙ ВА ДАФН МАРОСИМЛАРИ» («ЧЕТЫРЕ СВАДЬБЫ И ОДНИ ПОХОРОНЫ»)



Чарльз, мана, 32 ёшга к и р и б д и ҳамки ҳамон бўйдоқ. Унга қизлар қиё боқмас эканда, деб ўйланганг. Аксинча. Қанча гўзаллар унинг ишқида ёниб, умрбод ёри бўлишга тайёр эдилар. Аммо Чарльз негадир уйланишдан чўчийди. Айни пайтда яна ва яна севишда давом этади.

Ролларда: Хью Грант, Энди Макдауэлл.

**«Ўзбекистон»
телеканал**

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлилнома».
8.50 Олтин мерос.
«Ёз - ўтмоқда соз»:
8.55 1. «Золушка учун «Уч ёнғоқ». Болалар учун фильм.
2. «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультипликация.
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Омон бўлинг!»
11.20 «Одами эрсанг.»
11.40 Х. Даврон, Б. Лутфуллаев. «Соғинч». Муқимий номидаги мусиқали драма. театрининг спектакли. 1-кисм.
12.40 «Соғинч». Спектакль. 2-кисм.
13.35 «Қишлоқ ҳаёти».
13.55 Олтин мерос.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
15.20 «Ватанпарвар».
16.20 «Аёл ва жамият».
«Болалар сайёраси»:
16.40 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 Олтин мерос.
17.25 «Равнақ» студияси намойиш этади.
17.40 «Юртим бўйлаб» дастури: «Мафтунок Бахмал».
«O'zbektelefilm».
17.55 «Шерлок Холмс ва доктор Ватсон».
18.30 «Ёшлиқда ўргансанг хунара».
18.50 «Оҳанглар оғушида».
19.00 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги олдидан. «Меҳри дарё». Видеофильм.
19.20 Биржа ва банк хабарлари.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Ишқ эртаги».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Сиз соғинган оҳанглар». О. Худойшукуров.
22.00 «Такдир тухфаси». Телесериал премьераси (Корея)
23.15 «Кўшигимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
23.25 «Юртим бўйлаб» дастури: «Икки дарё оралигида».
23.50-23.55 Тунги наволар.

«Ёшлар»**телеканал**

16.00 Давр.
16.15 Талабалар шаҳарчаси.
16.35 Ватан ҳақида ўйлар.
16.45 Қизил худуд.
17.00 UzEX хабарлари (инглиз ва рус тилларида)
17.20 «Моя мечта». Дунё тамолари.
17.40 UzEX хабарлари.
17.55 «Қирқ тоғоранинг қирқ ноғораси». Сериал (яқунловчи қисм)
18.45 Ракурс.
19.00 Давр.
19.40 Такдир.
20.00 Спорт-лото.
20.10 CINEMANIYA.
20.30 Ёшлиқ наволари.
20.50 Оқшом кўнғироқлари.
20.55 Эълонлар.

21.00 «Мексикалик». Бадиий фильм.
22.00 Давр.
22.35 Кўнғил таронаси.
22.45 «Мексикалик». Бадиий фильм (давоми)
23.40 - 23.45 Эртага бугундан яхши бўлади.

«Тошкент»**телеканал**

18.05 Кўрсатувлар тартиби.
18.15 «Болажонлар экрани».
18.30 «Пойтахт». (рус).
18.50 «23, 5 даражали бурчак остида». Хужжатли. телесериал.
19.15 2006 йил-. Хомийлар ва шифокорлар йили: «Саломат бўлинг». (рус).
19.30 «Табриклаймиз, кутлаймиз».
20.00 «Пойтахт».
20.20 «Индаба». Телесериал. (рус).
20.45, 21.45 «Телекуррьер маркет».
21.00 «Оқшом наволари».
21.20, 22.00 «Тв анонс».
21.25 «Журналист тахлили».
22.05 «Колонна». Бадиий фильм. 1-кисм.
23.10-23.15 «Хайрли тун, шаҳрим».

«Sport»**телеканал**

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Версия». Информационно-аналитическая программа.
8.30 Мультифильм.
9.00 «Талкин». Информационно-тажлилий кўрсатув.
9.30 «Детективы».
10.05 «Маҳалламиз паҳлавонлари».
10.50 АВТОГраф.
11.15-12.05 «Талисман». Сериал.

18.00 «Болалар спорти».
18.15 Мультипликация.
18.30 «Хабарлар» (рус тилида)
18.55 «Жди меня».
20.00 «Вести».
20.20 «Тет-а-тет».
20.30 «Спортивиз маликалари».
20.45 «Дети Ванюхина». Сериал.
21.30 «Хабарлар» (ўзб тилида)
21.50 «Футбол шарҳи».
22.10 «Проф-РИНГ».
23.00 Сув спорти.. Европа чемпионати.
24.00 Волейбол. Жаҳон лигаси.
1.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

«30-КАНАЛ»

17.00 «Теле-экспромт».
17.30 Мультифильм.
18.00 «Черепашки ниндзя». М/ф.
18.20 «Севги тароналари».
18.50 «Самарқанд СТВ».
19.00 «Ошиқона».
19.40, 21.45 «Телехамкор».
20.00, 21.55 «Мусиқий табасум».
21.00 «София, дай мне время», сериал.
22.25 «Коинот ТВ». «Лаби ховуз».
22.30 «Қашқирлар макони», сериал.

«Первый»

4.55 «Доброе утро»
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 4.00 Новости
8.05 «Доброе утро»
8.30 «Агент национальной безопасности». Фильм
9.30 «Доктор Курпатов»
10.00 «Малахов +»
11.15 Сериал «Талисман»
12.05 Криминальная Россия
12.35 Фильм «Водил поезда машинист»
14.20 «Отпуск. Вернуться живым». Док. фильм
15.20 «Детективы»
15.50 «Пусть говорят»
17.15 «Кривое зеркало»
17.50 «Любовь как любовь». Фильм
18.55 «Жди меня»
20.00 Время
20.30 Фильм «Близнецы»
21.30 Спецрасследование
22.30 Вне закона
23.00 «На ночь глядя»
23.45 Фильм «Зорге»
2.00 Время
3.15 Теория невероятности
4.05 Суперчеловек

«Россия»

4:00 «Доброе утро, Россия!».
7:45 Сериале «Любовь моя».
8:50 Сериале «Авантюристка».
9:50, 12:45, 15:40, 18:40, 21:55, 3:40 ВЕСТИ
10:50 Сериал «Гражданин начальник».
13:40 Сериал «Банкирши».
бўлди. Бир йил ичида жиноятчиликнинг сезиларли камайишига эришилди. Биргина қотиллик жинояти 1993 йилда 14 фоизга қисқарди. Жиноятларнинг фош этилиш кўрсаткичи эса 5,3 фоизга яхшиланди. Бу аъна 1994 йилда ҳам сақланди. Хусусан, ўсмирлар ўртасида жиноятчилик камайди.

Бу муваффақиятларнинг биринчи омили халқ билан алоқанинг мустақамланиши бўлди. Иккинчидан, ички ишлар идораларининг таъминоти, айниқса техник таъминоти такомиллашди. Учинчидан, кадрлар билан ишлаш, милиция сафини нолойиқ шахслардан тозалаш ва ёшартиришга катта эътибор қаратилди. Биргина 1994 йилнинг дастлабки тўрт ойи ичида ўз шаънига доғ туширган ёки хизматга лаёқатсизлиги аниқланган 58 нафар ходим бўшатилади. Унга генерал-майор унвони ҳам ана шу лавозимда ишлаб юрган пайти – 1994 йил мартада берилди.

1994-1998 йилларда Эркин Норгитовнинг Тошкент шаҳар ИИББга раҳбарлик қилди. Бу даврда пойтахт ички ишлар идораларида қатор ижобий ўзгаришлар амалга оширилди. Уларнинг фаолиятига илғор тажрибалар, жумладан, хорижлик ҳамкасблари техник ютуқлари жорий қилинди. Тезкор вазиятнинг барқарорлиги ошди. Эркин ака ҳозир нафақада. Шу кунларда кутлуғ 60 ёшга тўладилар. Уни таваллуд айёмлари билан самимий табриклаб, узоқ умр, мустақам соғлиқ, оилавий хотиржамлик тилаб қоламиз.

Мурод ТИЛЛАЕВ.

**ХИЗМАТДАН
ОБРУҲ ТОПДИ**



пойтахтнинг Миробод тумани ИИБда Давлат ёнғиндан сақлаш назорати бўлимининг инспектори вазифасида иш бошлади. Вақти келганда, вазият тақозо этганда ўт ўчирувчилик ҳам қилди. Эркин Норгитовнинг ички ишлар идораларида ҳам хизматнинг барча баланд-пастини, қийинчиликларини кўрди. 1970 йилда ЁСБ ўрта бошлиқлар таркибини тайёрлаш бўйича 11 ойлик курсни тугатгач, Тошкент шаҳар ИИБ ДЭСНБ бўлини маси муҳандиси этиб тайинланди. Кейинроқ Юнусобод тумани ИИБ ДЭСНБ катта муҳандиси бўлиб ишлади. Шундан сўнг икки йил мобайнида мазкур бўлинига бошчилик қилди. Қайси вазифада иш-ламасин, ўзини тиришқоқ, масъулиятни ҳис қиладиган ходим сифатида кўрсатди. Шу сабабли 1975 йилда уни Тошкент шаҳар ИИБ ёнғиндан сақлаш бўлими бошлиғининг ўринбосари этиб тайинлашди.

1978 йилга келиб мазкур бўлим иш ҳажми ошганлиги сабабли бошқармага айлантирилди. Эркин Норгитовнинг хизматдан ажралмаган ҳолда 1980 йилда ИИБ Ёнғиндан сақлаш олий муҳандислик техника мактабини ҳам тугатди. Ёнғиндан сақлаш бошқармаси ўринбосари вазифасида ишлаб, обдон тажриба тўплагач, 1981 йилда уни пойтахт ИИБ ЁСБ бошлиғи этиб

тажрибасини, эришган салмоқли ютуқларини ҳисобга олиб, 1988 йилда уни республика ИИБ Ёнғиндан сақлаш бошқармаси бошлиғи этиб тайинлашди. 1990-1993 йилларда республика Ички ишлар вазири ўринбосари лавозимида ишлаган кезлари Эркин Норгитов ички ишлар идоралари таъминотини яхшилашга самарали ҳисса қўшди.

1993 йил мартада уни Наманган вилояти ИИБ бошлиғи этиб тайинлашди. Айниқса, шу лавозимда фаолият кўрсатган даврида унинг раҳбарлик, ташкилотчилик қобилияти янаям тўлароқ намоён

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Хуқуқбузарликларнинг олдини олиш Бош бошқармаси бўлим бошлиғи, подполковник **Собир Арипович ҲУСАНОВ**ни таваллуд топган куни билан қизғин муборакбод этамиз. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик, хизматда омад ва ютуқлар тилаймиз.

ИИБ ҲООББ раҳбарияти ва шахсий таркиби.

Тошкент вилояти ИИБ ХЧК ва ФРБ бошлиғи, подполковник **Аҳмаджон ҒУЛОМОВ**ни таваллуд куни билан табриклаб, барча эзгу тилақларимизни билдириб қоламиз.

**Эҳтиром ила,
ҳамкасблари номидан Гулнора,
Бахтиёр, Азизжон.**

КУТЛОВ

ИБРАТЛИ УМР

Истеъфодаги полковник Алексей Васильевич Неверов бугун табаррук 90 ёшни қарши олди. Алексей Васильевич барча ички ишлар идоралари ходимлари учун ўрнак бўладиган ҳаёт йўлини босиб ўтди. У хизматдошлари орасида ўзининг самимийлиги, меҳнатсеварлиги билан алоҳида ҳурмат-эътибор қозонди. Узоқ йиллик фидокорона хизмати давомида бой тажриба тўплади. 45 йил давомида ўзининг бор куч-ғайратини, билимини хуқуқ-тартибот идоралари фаолиятини такомиллаштиришга бағишлади. Ўзининг чуқур билими ва бой ҳаётий тажрибасини ёш ҳамкасбларига ўргатишдан ҳеч қачон эринмади.



Алексей Васильевич ички ишлар идораларида хизматни 1941 йилда оддий сафдорликдан бошлаган эди. У каби 30 йилдан ортиқ вақт мобайнида ички ишлар идораларида тезкор хизматга раҳбарлик қилган кишини топиш қийин бўлса керак. Халқимизга хос бўлган шонли аъналарни давом эттирган Алексей Неверов қўл остидаги ходимларни ҳам бирдамликда, ҳамжихатликда иш юритишга даъват этди, ўз атрофига ҳамфикрларни тўплай олди.

А. Неверовнинг истеъфодаги чиққанига 15 йил тўлган бўлса-да, унинг номини ўзи бир пайтлар раҳбарлик қилган хизмат ходимлари ҳамон ҳурмат билан тилга олишади.

Унинг узоқ йиллик фидокорона хизмати муносиб тақдирланган. Алексей Васильевич ҳуқуқнинг қатор мукофотларига сазовор бўлган. У ҳозир ҳам ички ишлар идоралари билан алоқасини узгани йўқ. Эл-юрт осойишталигини таъминлашдек умумий ишимизга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Алексей Васильевич Неверовни табаррук 90 ёши билан чин дилдан кутлаймиз. Унга мустақам соғлиқ, тетик-бардамлик ҳамда чинордек узоқ умр тилаб қоламиз.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгаши.

МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Келгуси ҳафта учун

ҚҮЙ. 21 март – 20 апрель
Ушбу ҳафта сиз учун омадлидир. Душанба куни оилангиз билан боғлиқ муаммоларни муҳокама қилиб олганингиз маъқул. Ҳафтанинг иккинчи ярмида молиявий ютуқлар кутилмоқда. Пайшанба куни соғлигингизни тиклашга вақт ажратинг. Дам олиш кунлари хонадонингиздаги талайгина юмушларни бажарасиз.

АРСЛОН. 23 июль – 23 август
Ушбу ҳафтада ҳаётингизда муайян ўзгаришлар рўй беради, фаоллигингиз ошади. Сешанба ва чоршанба кунлари кўплаб таклифлар оласиз. Гапирган сўзларингизни амалда иш-ботлашингиз муҳимдир. Мулоқотлар учун якшанба кулай кун эканлигини унутманг.

ЁЙ. 23 ноябрь – 21 декабрь
Баракали меҳнат яхши самара беради, ҳужжатлар билан боғлиқ масалалар тез ҳал бўлади. Музокаралар ва бизнесда ҳам омад кулиб боқади. Келгуси ҳафтада муваффақиятли одимлар давом этади. Шу боис, ҳозирда эришилган ютуқлар билан чекланиб қолманг.

СИГИР. 21 апрель – 20 май
Барча орзу-истакларингиз рўёбга чиқади. Янги танишлар орттирасиз. Атрофингиздаги одамлар билан ҳамкорлик қилиш учун имконият излаб топишингизга тўғри келади. Кўзланган ҳар қандай ишлар осонгина битади.

БОШОҚ. 24 август – 23 сентябрь
Бизнесда муносиб ютуқларга эришасиз. Раҳбарлик лавозимига кўтарилишингиз мумкин. Умр йўлдошингиз билан муносабатлар янада яхшиланади. Ҳафтанинг охирига бориб талайгина воқеаларнинг гувоҳи бўласиз. Шанба куни уй юмушларини бажаришга вақт ажратинг.

ТОҒ ЭЧКИСИ. 22 декабрь – 20 январь
Анчадан бери қийнаб келаётган муаммолардан халос бўласиз. Мабодо ишхона ёки хонадонингизда қарама-қаршиликлар юзага келса жума куни яна ҳаммаси изга тушади. Шу сабабли якшанба кунгача ҳал этилмаган бирорта масала қолмайди.

ЭГИЗАКЛАР. 21 май – 21 июнь
Мазкур ҳафтада барча жабҳаларда муваффақиятга эришасиз. Баракали меҳнат қилиш, ҳордиқ чиқариш ва сафарлар учун кулай даврдир. Ажойиб инсонлар билан кутилаётган суҳбатдан кайфиятингиз кўтарилади. Харидларни кейинги ҳафтага қолдирганингиз маъқул.

ТАРОЗИ. 24 сентябрь – 23 октябрь
Мазкур ҳафтада мавқеингиз яхшиланади. Сешанба кундан бошлаб дўстлар кўмагида жиддий вазифаларни бажаришга киришасиз. Айрим арзимас муаммолар безовта қилиши эҳтимолдан холи эмас. Чоршанба ва якшанба энг омадли кунлардир.

ҚОВҒА. 21 январь – 20 февраль
Душанба куни илғари бошлаб қўйган барча ишларингизни ниҳоясига етказасиз. Шу сабабли бемалол келгуси режаларни белгилаб олишингиз мумкин. Ҳафта давомидаги саъй-ҳаракатлар ўз мевасини беради. Якшанба куни вақтингизни севган кишингиз билан ўтказиб, кўнгили ёзинг.

ҚИСҚИЧБАҚА. 22 июнь – 22 июль
Ҳамкасбларингиз билан дўстона муносабатлар руҳингизга тетиклик бахш этади. Ҳафтанинг ўртасида ва сўнгги кунлар талайгина гоғларингиз ҳаётга татбиқ этилади. Шанба кун амалий музокаралар учун кулайдир. Якшанба куни харидлар қилиб, бўш вақтингизни дўстлар даврасида ўтказасиз.

ЧАЁН. 24 октябрь – 22 ноябрь
Мазкур етти кунлик муҳим ишларни бажариш, кўнгили ҳордиқ чиқариш ва жиҳозлар харид қилиш учун кулайдир. Ижодий ютуқларга эришасиз. Миянгида янги гоғлар тугилади. Агар меҳнат таътилида бўлсангиз сизни табиат бағридаги кўнгилли ҳордиқ кутмоқда.

БАЛИҚ. 21 февраль – 20 март
Мазкур ҳафтада айрим рақибларингиз фаоллашиб қолиши мумкин. Душанба куни муҳим маълумотларни қўлга киритасиз. Жума ва шанба кунлари жамоа бўлиб бажариладиган ишга ҳисса қўшишингиз фойдадан холи эмас. Ота-онангизни бориб кўришга вақт ажратинг.

Мамлакатимизнинг дунёга танилишида спортчиларимизнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Чунки улар нуфузли мусобақаларда иштирок этиб, яхши натижаларни қўлга киритишяпти. Ҳатто жаҳон чемпиони бўлишдек юксак чўққиларни забт этишяпти. Бундай спортчилар орасида «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг аъзолари ҳам бор.

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган бу йигит беллашуларда муносиб ўринларни эгаллаётган осойишталик посбони, Хоразм вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ жанговар ҳаракатдаги отряд ходими, сафдор Азимбой Ибрагимовдир.

Азимбойни ёшлигида отаси Нурилла ака доимо ёнида олиб юрар, мусобақаларни диққат билан кузатишни тайинларди. Эндигина ўн ёшга қадам қўйган Азимбой отасининг ютугидан қувонар, томошабинлар олқишлаётганидан ҳавас қиларди. У ҳам отасидек полвон бўлишни орзу қилди.

Нурилла аканинг укалари Саъдулла ва Рустамлар ҳам Азимбойдаги курашга бўлган қизиқиш, интилишни кўриб, унга яқиндан ёрдам беришди. У мактабдан бўш вақтларида спорт тўғрисида ҳам мунтазам қатнаш бошлади. Дастлаб мактаб ўқувчилари, сўнгра эса қишлоқ ёшлари ўртасида ўтказилган мусобақаларда иштирок этиб, голиб бўлди. Натижалардан кўнгли тўлган Нурилла ака Азимбойни тумандаги академик лицейга ўқишга берди. У бу ерда ҳам пухта билим олиш билан бирга спорт машғулотида фаол қатнаша борди. Нурилла ака уни халқаро тоифадаги спорт устаси Бобо-

хон ака Абдуллаевга шогирдликка берди. Азимбой тажрибали мураббийдан кураш сирларини кунт билан ўрганди. Шундан сўнг у ўсмирлар ўртасида ўтказилган туман биринчилигида ўз кучини синаб кўрди ва вилоят босқичига йўлланмани қўлга киритди.

Азимбой лицейни тамомлагач, тумандаги иқтисодиёт касб-ҳунар коллежининг ҳуқуқшунослик бўлимида таҳсил олди. У аъло баҳоларга ўқиш билан бирга вилоят мусобақаларида қатнашиб, ўз вазн тоифаси бўйича голиб бўлди. Коллежни тугаллаш арафасида вилоят ИИБ ходими, спорт устаси Юсуфбой Сапоев Азимбойдаги қобилиятни кўриб, уни ички иш-


лар идораларида ишлашга таклиф қилди. Бундан Азимбойнинг боши осмонга етди. Орадан кўп ўтмай уни ҳарбий хизматга чақирди. Йигитлик бурчини ўтаб қайтгач, вилоят ИИБга ҳужжатларини топширди. Синовлардан муваффақиятли ўтган Азимбойни вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ жанговар ҳаракатдаги отрядга ишга қабул қилишди. Мана, икки йилдирки, у майор Юсуфбой Сапоев сардорлик қилаётган отрядда сидқидил-

дан хизмат қилмоқда. — Мураббийларим — халқаро тоифадаги спорт устаси

си Бобохон ака Абдуллаев, спорт устаси Юсуфбой Сапоевлар кураш сирларини пухта ўргатганлари боис, республика, қолаверса, халқаро мусобақаларда ҳам қатнаша бошладим, — дейди А. Ибрагимов. — 2004 йил Тошкент шаҳрида ўтказилган халқаро мусобақада иштирок этиб, бронза медали соҳиби бўлгандим. Яқинда ҳамкасбим, иқтидорли спортчи Жасурбек Юсупов билан Чирчиқ шаҳрида ички ишлар идоралари ходимлари ўртасида ташкил этилган қўл жанги бўйича республика биринчилигида қатнашиб, 3-ўринни эгалладим. Айни пайтда шу йил ноябрь ойида пойтахтда бўлиб ўтаётган нуфузли мусобақага тайёргарлик кўраяпмиз. Ниятим, олтин медални қўлга киритиш...

Худойберган ЖАББОРОВ.

САФДАГИ ПОЛВОН ЙИГИТ



Суратда: вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ жанговар ҳаракатдаги отряд милиционерлари, сафдорлар Азимбой Ибрагимов (чапда) ва Жасурбек Юсуповлар.

Жумабой ҚОЗОҚ олган сурат.

ЎЗБЕК ПОЛВОНИ — ОСИЁ ЧЕМПИОНИ

Бирлашган Араб Амирликларида эркин кураш бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган Осие чемпионатида ўзбекистонлик полвонлар битта олтин ва иккита бронза медални қўлга киритишди. 84 килограмм вазн тоифасида гиламгичиққан Абдул Аммаев олтин медаль ва Осие чемпиони унвонига сазовор бўлди.

Шоҳсуланинг учинчи поғонасига қўтарилган яна икки курашчимиз — Рустам Хуталиев ҳамда Артём Присяжнюк қитъа чемпионатининг бронза медали билан тақдирланган бўлсалар, Увайс Тулегенов кучли бешликдан жой олди.

ҲАМЮРТИМИЗ ХАЛҚАРО ТУРНИРДА

Германиянинг Франкфурт шаҳрида бокс бўйича ўтказилган «Бранденбург кубоги-2006» халқаро турнирида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасининг тўрт аъзоси шоҳсупадан жой олиб, битта олтин, иккита кумуш ва битта бронза медалга сазовор бўлишди.

Мансур Маҳмудов мураббийлик қилаётган терма жамоамиз вакилларида Орзубек Шойимов биринчи ўринни эгаллади ва олтин медаль билан тақдирланди.

Нуфузли мусобақанинг финалида иштирок этган яна икки нафар боксчимиз — Баҳром Хидиров ва Аҳбор Муралимовга кумуш, Санжар Холиқуловга эса бронза медали топширилди.

Зоҳир ТОШХҲҲАЕВ,
ЎЗА мухбири.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Осие Футбол Конфедерацияси Пекинда бўладиган «Олимпиада-2008» саралаш ўйинларининг тақвимини эълон қилди. Биринчи босқич ўйинларида иштирок этадиган Ўзбекистон олимпия терма жамоаси Индонезия, Таиланд, Фаластин, Гонконг, Қирғизистон, Мьянма, Сингапур, Туркменистон, Ҳиндистон футболчилари билан беллашади.

Ўзбекистон Футбол Федерацияси терма жамоалар бўлимининг бошлиғи Алишер Никимбаев Ўзбекистон терма жамоаси ҳимоячиси Виталий Денисов ҳақида Россиянинг айрим электрон нашрларида берилган ноҳуш хабар асоссиз эканлигини айтди. ЎФФ раҳбарлари Россияга — Нижний Новгороднинг «Спартак» клубига кўнгирак қилишганда Виталий Денисов ҳозир ўзини яхши ҳис қилаётганини маълум қилишди.

Ўзбекистон Футбол Федерацияси марказий «Пахтакор» стадионига яқин ҳудудда барпо этилаётган янги бинога кўчиб ўтади. Бинода айни кунларда пардозлаш ишлари олиб бориляпти. Бу ҳақда ЎФФ президенти М. Усмонов ҳакамлар ва назоратчилар кўмитасининг кенгайтирилган йиғилишида тўхталиб ўтди.

Ўзбекистон терма жамоасининг собиқ мураббийи Боб Хоугтон бошқараётган Ҳиндистон терма жамоаси Канаданинг Ванкувер шаҳрида ўтказилаётган халқаро турнирда маҳаллий «Ванкувер Уайткөпс» клубига ютқазиб қўйди. Ҳиндистонликлар уч голга аранг битта жавоб қайтардилар.

ҚИТЪА МУСОБАҚАЛАРИНИНГ ЯНГИ ТАРТИБИ

Яқинда Куала-Лумпур шаҳрида Осие Футбол Конфедерацияси ижроия кўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Бу йиғилишда кўмита аъзолари қитъа миқёсидаги мусобақаларнинг янги тартибини тасдиқладилар.

ОСИЁ КУБОГИ — 2011

Осие Кубоги — 2007 финал босқичида биринчи, иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаган жамоалар, шунингдек, мезбон мамлакат Осие Кубоги-2011 финал босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритади. ОФК Чақирқ Кубоги «Юзага келаётган» ва «ривозланиб бораётган» мамлакатлар тоифасига кирувчи 17 жамоа учун Осие Кубоги саралаш турнирининг бир қисмига айланади.

ОФК Чақирқ Кубоги-2008 ва 2010 йиллардаги голиблари Осие Кубоги-2011 финал турнирида қатнашиш ҳуқуқига эга бўладилар. Агар 2008 ва 2010 йиллардаги турнирларда битта жамоа голиб чиқса, у ҳолда 2010 йилда иккинчи ўринни эгаллаган жамоа ҳам Осие Кубоги-

2011 финал турнирига йўлланма олади.

ОФК ЧАҚИРҚ КУБОГИ—2008

Бу турнирни ўз юртида қабул қилиш истагини Тайван, Ҳиндистон, Покистон, Шри-Ланка, Тожикистон ва Филиппин давлатлари билдирди. Бангладешнинг аризаси бу мамлакатда Чақирқ Кубоги-2006 ўтказилиши муносабати билан рад этилди.

КЛУБЛАР ЎРТАСИДАГИ МУСОБАҚАЛАР

ОФК чемпионлар Лигаси-2007:

Австралия 2007 йилги мусобақада иштирок этадиган бўлди. Келгуси йилда бу мамлакатнинг иккита клуби чемпионлар Лигасида

ўйнайди. Таиланд ва Вьетнам эса турнирда биттадан вакил билан қатнашади. Уларнинг жамоалари чемпионлар лигасида яхши ўйнай олмаётгани учун уларга қарашли биттадан ўрин Австралияга олиб берилди.

ОФК ПРЕЗИДЕНТИ КУБОГИ—2008

Бу турнирни ўз юртида ўтказиш истагини Тайван, Қирғизистон ва Тожикистон давлатлари билдирдилар. Покистоннинг аризаси бу мамлакатда президент Кубоги-2007 ўтказилиши сабабли рад этилди. Непал эса ўз вақтида ариза беришга улгурмади.

ОЛИМПИАДА САРАЛАШ ТУРНИРИ

Саралаш турнирининг янги формати куйидагиларни ўз ичига олади:

Биринчи раунд: 20 жамоа жуфтликларга бўлиниб, ўз уйи ва сафарда

ўйнайди. Голиблар иккинчи босқичга чиқадилар.

Иккинчи раунд: 24 жамоа 4 тадан бўлиб олти гуруҳга бўлинади ва икки даврари ўйинларни ўтказишади. Гуруҳларнинг голиблари учинчи босқичга чиқадилар.

Учинчи раунд: 12 жамоа 4 тадан бўлиб 3 та гуруҳга бўлинади ва икки даврари ўйинларни ўтказишади. Гуруҳларнинг голиблари Олимпиадага йўлланма оладилар.

ФУТЗАЛ

Футзал бўйича Осие чемпионати — 2007:

Япония бу турнирнинг мезбон мамлақати сифатида тасдиқланди.

Клублар ўртасида Осие чемпионати:

Турнирда иштирок этиш учун Осие чемпионати-2006 рейтингига асосан энг кучли 8 мамлакатнинг чемпионлари таклиф этилади. Турнирнинг 2006 йилнинг 4-чорагида ўтказиш мўлжалланмоқда. Турнир формати иштирокчиларнинг сонига қараб белгиланади.

ХАР ДАРДНИНГ ДАВОСИ БОР

САЛОМАТЛИК

РЕЦЕПТЛАР + МУТАХАССИС ФИКРЛАРИ + ТАВСИЯЛАР



Бирлашган миллатлар ташкилотининг маълумотига кўра, Шарқий Европа ва Марказий Осиёда ОИТС касаллигини сезиларли даражада камайтиришига эриша олинмапти. Ҳозирги кунгача ер юзи аҳолисининг 70 миллиони иммунитет танқислиги вирусини юқтирган. Улардан 28 миллиони вафот этган. Масалан, Россия Федерациясида 2005 йил давомида ОИТС билан хасталанган катта ёшдаги одамлар ва болалар орасида 50 мингдан ортиқ ўлим ҳолати кузатилган. Бу кўрсаткич 2003 йилдигидан икки марта юқоридир. БМТнинг ОИТС бўйича бирлашган дастури UNAIDS директори, БМТ Бош қотиби ўринбосари, таниқли олим Питер Пиот томонидан эпидемияни тўхтатиш учун тўрт шароит белгилаб берилди. Булар самарали фаолият олиб бориш учун ҳар бир давлатнинг ҳукумат раҳбарияти томонидан бошқарилиши; ОИТС муаммоларига боғлиқ барча хизматлардан (профилактика, даволаш, ёрдам кўрсатиш) фойдаланиш имконини яратиш, тадбирларни амалга ошириш учун етарли миқдорда маблағ ажратилиши; маблағни самарали сарфлашга эришишидир.

Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатларида ташкил этилаётган эпидемиологик мониторинг натижаларига кўра, ОИТС касаллиги билан 30-40 ёшли аҳоли орасида асосан тартибсиз жинсий алоқа йўли орқали зарарланиш ҳолатлари орган. Республикамизда жаҳон тажрибаси ва кўмагига таяниб, ОИВ билан зарарланган ҳомиладор аёллар ва улардан туғилган болалар орасида «Антиретровир» (вирусга қарши) терапияси ўтказилиши йўлга қўйилди. Мутахассисларнинг маълумотига кўра да-

касалликни юқтирмаслик тадбирларига амал қилиш яхши самара бериши эътироф этилмоқда. ОИТС касаллиги тиббий-

давомида бевосита мулоқотда бўлишади. Бундай фаолият, яъни ҳибсага олиш, тинтув, тажовузга қарши чиқиш ва бошқа тадбирларда зарарланиш ҳолатлари юзага келиши мумкин. Бундай вазиятда кўрсатилган биринчи тиббий ёрдам катта аҳамиятга эга. Ҳар бир ходим шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиши (қўлқопда ишлаши) керак. Юқорида қайд этилган



воланиш давомида кўпгина беморларда ижобий ўзгаришлар

ижтимоий аҳамиятга эга. Вирусдан хатарли хулқ-атвор би-

ва бошқа ҳаётини муҳим оғоҳлантиришлар Ўзбекис-

ОИТСга қарши курашда жаҳон бўйлаб оламшумул тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Жорий йилнинг 31 май – 2 июнь кунлари Нью-Йорк шаҳрида Бирлашган миллатлар ташкилоти Бош Ассамблеясининг 40 дан ортиқ давлатлари раҳбарлари, 140 дан ортиқ давлатлар вакиллари иштирокидаги мажлисда ушбу хасталик муаммолари кўриб чиқилиши ҳамда яқин кунларда Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида дунёнинг етакчи 8 давлатлари раҳбарлари белгиланган саммитида ҳам ОИВ/ОИТС хавфи ва унинг олдини олиш масалалари қўйилиши, аср вабосининг дунё аҳолисига қанчалик таҳдид солаётганини кўрсатди. Бундай тадбирларни ўтказишда Ўзбекистон ҳам фаол иштирок этмоқда.

Ҳукумат даражасида ОИВ/ОИТС касаллигига қарши чоратадбирлар белгиланиб, ушбу вазифалар бекаму-қўст амалга ошириб келинмоқда. Мамлакатимизда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда кенг миқёсдаги профилактик тадбирлар ўтказилаётгани натижасида ўтган йилларга қараганда ёшлар ўртасида (20–30 ёш) ОИВ/ОИТС касаллиги билан зарарланиши тезлиги бир мунча камайди. Самарали тадбирлар касаллик келтириши мумкин бўлган талафотлар даражасини камайтирди. Хусусан, ёшларга етказилаётган маълумотлар, хатарли феъл-атвор орқали юзага келаётган офатнинг инсониятга таҳдид солаётганидан ўз вақтида огоҳ бўлиш тўғри хулоса чиқаришга олиб келмоқда.

кузатилган. Бироқ ушбу даво чораси вирус ва унинг таъсиридан халос этмайди.

Бугун дунё ҳамжамияти томонидан касалликнинг олдини олишда зарарланмаслик, яъни

лан ҳаёт кечирувчилар кўпроқ зарарланиб келмоқда. Касбий зарурат туфайли ички ишлар ходимлари аҳолининг ушбу гуруҳ вакиллари билан жиноятчиликка қарши курашиш

тон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг кўрсатма ва буйруқлари ҳамда БМТнинг ОИВ/ОИТС бўйича бирлашган дастури тавсиялари асосида ички ишлар идоралари, жазони ижро этиш муассасалари шахсий таркиби, ҳарбий хизматчилари ҳамда ИИВ таълим муассасалари курсант ва тингловчилари учун тайёрланган «Ўзингни-ўзинг ҳимоя қил – буни барча билиши керак!» гигиеник ўқув дастурида ўз аксини топган. Ушбу дастурнинг шахсий таркиб ўқув дастурига киритилиши ва жойларда мунтазам тартибда ўргатиб борилиши ходимларни касбий зарарланиш ва хатарли хулқ-атвордан сақланиш тартибқоидаларидан хабардор қилади.

ОЛДИНИ ОЛСА БЎЛАДИ



Д. Тўраназаров,
республика ИИВ Санитария-эпидемиология назорати бош маркази бошлиғи, полковник.

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

ТАХМИНЛАР, ТАХМИНЛАР...

Республика Ички ишлар вазирлигида зурут бўлса ҳар куни, деярли ҳар соатда тезкор йиғилишлар ўтказилади. Бу гапни тезкор йиғилиш ҳам анча жиддий, ишчан руҳда ўтди. Уни вазирнинг биринчи ўринбосари олиб борди.

— Вазиримиз бугун воқеа жойида бўлиб, аҳоли билан суҳбатлашиб қайтганларидан хабарингиз бор, албатта. Мудҳиш қотиллик жумбоғини ечиш учун барча хизмат вакиллари сафарбар этилган. Ушбу муҳим вазифа бугун ҳаммининг диққат марказида. Хўш, сўнгги тезкор маълумотлар нималардан далолат берапти? Қандай тахминлар бор?

Минбарга вазирлик Жиноят қидирув Бош бошқармаси бошлиғи чиқди.

— Ўртоқ генерал, сўзимни тахминлардан бошласам, майлими? — деди у вазминлик билан. Рухсат қисқа бўлди:

— Маъкул.
— Тахминларимизнинг биринчиси. Бизнингча, марҳумлар мардикорлик қиладиган курилик бригадаларининг аъзолари бўлиши мумкин. Уларни ёллаб ишлатаётган шахслар хизмат ҳақини бермасдан ўлдириб юборишгани эҳтимолдан холи эмас.

— Ҳа, мумкин, мумкин, — деб лўқма ташлади генерал.

Шокаримнинг ўнг ёнида ўтирган эксперт йигит сўзга чиқиб, Келес дарёсидан топилган жасадларнинг қачон, қандай ўлдирилгани ҳақида батафсил ахборот берди. Мурдалар жойланган қоп ва чойшаблар қайси ташкилотга тегишли эканлиги аниқланаётганини баён қилди.

— Бу қотилликларни битта жиний гуруҳ содир этган, — деди Баҳром исмли терговчи ўзига сўз берилганидан фойдаланиб.

— Нега ундай деб ўйлайсиз?
— Сабаби, дарёдан топилган барча қурбонлар бир хил усулда ўлдирилиб, сувга фарқ қилинган.

— Ҳозирча бундай тахминлар кўп. Лекин булар ҳали тахмин, холос. Афсуски, калаванинг учи топилганича йўқ.

— Тахмин деган сўз ҳали далил эмас, — деди генерал ўйчан овозда.

— Далилсиз ҳеч кимни жиноят қилишда айблаб бўлмайди. Буни яхши билишингиз керак.

— Худди шундай! — ўрнидан ирғиб турди эксперт.

— Александр Николаевич, — дея мурожаат қилди вазир ўринбосари ўзидан чап томонда, эшик ёнида нималарнидир ёзиб ўтирган майорга.

— Бу борала сиз нима дейсиз, қандай ишларни амалга оширдигиз? Шулар ҳақида ҳисоб беринг.

— Бу оғир жиноятни очиш учун бутун куч-имкониятларимизни ишга соляпмиз.

— Ўртоқ Петров! — майорнинг гапини чўрт кесди генерал. — Шу кеча-кундуз қандай ишлар қилдингиз? Саволим тушунарлими?

— Воқеа жойини кўздан кечириш давомида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеаларнинг гувоҳи бўлдим. Гувоҳлар, ўша атрофда яшовчи аҳоли билан суҳбатлашдик, жой чизмаси, фотоальбом тайёрляпмиз, изляпмиз.

— Ўз мулоҳазаларингизни айтинг!
— «Қоплонбек» давлат хўжалигининг Кунаев участкасида ишлаётган бир ижарачи милиция ходимлари билан бўлган дастлабки суҳбатда галати воқеани ҳикоя қилиб берган.

— Хўш, хўш?..
— У 4 ноябрь куни кечга томон даладан қайтаётиб, дарё соҳилига қандайдир машина келиб тўхтаганини кўрган. Машинадан тушган кимсалар дарёга алланиманидир улоқтириб, изларига қайтиб кетишган.

— Уша гувоҳни топиб, суҳбатлашдиларингми? — сўради сабри чидамай вазир ўринбосари.

— Ижарачи туман ички ишлар бўлимига таклиф қилиниб, суҳбат-

лашилди. Бироқ у аввалги кўргазма-

сидан тонди.
— Зудлик билан уни топиб, аҳволни тушунтиринг. Виждони бўлса, албатта ёрдам беради. Бу қандай сўраб-суриштиришингизга, тажрибангизга боғлиқ, Тушунарлими?

— Худди шундай, ўртоқ генерал.
— Хўш, яна ким гапирмоқчи? — ўтирганларга бирма-бир қараб чиқди генерал. — Бошқа гаплар йўқми?

— Бор, — деди жиноят қидирув бошқармаси тезкор ходими, майор Аҳмедов, — рухсат этинг.

— Қани-қани, гапир-чи!
— Ишончли манбаалардан олинган маълумотларга кўра, ноябрь ой-

рув талбирларини ўтказиш зарур.

... Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳри ҳамда барча вилоятларининг шаҳар ва туман ички ишлар бўлимлари мурдалар шахсини аниқлаш бўйича иш олиб борсинлар.

(Муддати — зудлик билан)
Мазкур жиноятнинг содир этилишига бевосита алоқадор бўлган шахсларни аниқлашга эътибор қаратилсин.

(Муддати — уч кун)
Келес дарёси соҳилларида мурдалар топилган жойларнинг харита-схемаси тузилсин.

(Муддати — бир ҳафта)
Мазкур жиноятлар тафсилоти

Чумчуқ, мусича каби беозор қушларнинг уяларини бузиб завқланарди. Тутиб олган чумчуқнинг оёғидан боғлаб, варракка ўхшатиб учиргани хуш кўрарди. Ҳатто бир куни мушукнинг думини керосинга ботириб, унга ўт қўйиб, ҳузурланиб томоша қилгани ҳамон ёдида.

Ўсмирдаги бу «кўнглихушлик»лар ёши улгайганида ҳам давом этди. Бир неча марта ўғрилиқ қилди, бора-бора боқинчилик билан шуғулланди, сингисининг эрини, яъни куёвини пичоқлаб ўлдирди. Хуллас, олти марта қамалиб чиқди.

Мана, бугун унинг хонадонида базму жамшид авжида. Маросимга

Ўткирбек ҳеч кимни кутиб ўтирмай уни бир кўтаришда бўшатди. Бу ҳол икки-уч марта такрорланди. Кўп ўтмай унинг юзлари лавлагидек қизариб, кўзлари сузила бошлади. Ўткирбекнинг кайфи ошиб қолганди. У афтини буриштириб, бевақт қичқирган хўроздек бўйнини чўзганча паллада овозда дийдиёсини бошлади:

— Вой, йигитнинг гули «ўтириб» чиқаркан. Ёки гапим нотўғрими, Зокир?

— Албатта-да, — деди дўстининг гапларини қувватлаб Зокир. — Мабодо, у ёқларда қийналиб қолмадингизми, ака?

— Йўғ-е, нималар деясан? Турма санаторий эмас-у, шунга қарамай қиродек яшадим.

— Унда санаторийдан қайтандек бўлибсиз-да, ака? — лўқма ташлади бошқа бир меҳмон.

— Топдинг, укам.

— Мабодо, тагин «санаторий»ни кўмсаб қолсангиз... «путёвка» биздан!

— Ҳе, нафасингни ел олсин! — дея Зокирни жерқиб ташлади «қирол»нинг акаси Улмас. Шунда дафъатан Зокирнинг нигоҳи Ўткирбекнинг совуқ йилтираб турган кўзларига тушди. Юраги «шув» этиб, тиззаларига титроқ кирди.

Ўйламай гапиргани учун кўлини кўксига қўйиб, минг бора узра сўраган бўлди. Юмшоқ оромкурсида оёқларини чалиштириб ўтирган Ўткирбек дарғазаб бўлиб, пиёладаги ароқни Зокирнинг юзига сепиб юборди. Кейин ўрнидан даст туриб унинг ёқасидан олди:

— Сен тирранча, тилингни тийиб юр! Бўлмаса нақд путингни айириб ташлайман!

Ҳамма ош ўрнига тош чайнагандек гашланиб, жимиб қолди. Бу сукунатни Зокирнинг синиқ овози бузди:

— Бек ака, ёшлиқ қилдим, кечиринг мен аҳмоқни!

Ўткирбек яна бир нима демоқчи эди, акаси уни ўрнига ўтказиб қўйди:

— Қўйсанг-чи, ука, оғирроқ бўл! Зокир ёш, аҳмоқлик қилди!

Ўткирбек акаси тутқазган пиёладаги ароқни бир сипқоришда ичиб, пича энгил тортиданек бўлди. Балани янаям қизиби, кайфияти кўтарилиди.

— Ортиқ бундай яшаб бўлмайди! Мўмай даромад тушадиган ишларга кўл уралдиган вақт келди. Бироқ қора меҳнатга тобим йўқ, — деди у.

— Унда вақтингни осмондан бойлик тушишини кутиш билан ўтказар экансан-да, — деди Улмас рўмолча билан пешонасидаги терни сидириб. — А, лаббай?

— Йўқ, ака, асло ундай эмас, — гапни чўрт кесди Ўткирбек ўйчан, — «санаторий»да ўйлаб қўйган режам бор. Бироқ бу ҳақда кейинроқ гаплашамиз.

— Сиз кўпни кўргансиз, Бек ака. Сизни эшитсак, ақлимизга ақл қўшилади. Гапиравринг, Бек ака! — ялтоқланди Зокир.

— Кейин, дедимми, кейин...

Шу куни зиёфат тонга қадар давом этди. Улфатларнинг шовқини билан ўтган наҳорликдан сўнг Ўткирбекнинг кўшниси Соҳиб амаки дастурхонга фотиҳа ўқиди.

Ўткирбек истамайгина дуога кўл очар экан, «Умрида таҳорат олмаган, боши саждага тегмаган нопоннинг дуоси нима бўларди» деб ўзича тўнғиллаб қўйди.

Ҳа, Аллоҳ таоло бу ёруғ дунёни одамлар учун макон этиб яратди. Беалад шукрларки, Раҳмон ва шу билан бирга минг афсуски, шайтон ҳам бор. Шайтон иродаси бўш, очқўзликка мойил одамни нафе васвасига солади. Елкасига миниб олиб, уни то ҳалок этмагунча қўймайди.

(Давоми бор).



ининг дастлабки кунларида «Қоплонбек» кўрғонига «Чимкент — Тошкент» трассасида рэкет билан шуғулланувчи сариёғочлик ва чимкентлик жиний гуруҳлар ўртасида «разбор» бўлган.

Яна бошқа хабарга кўра, «Қоплонбек» ва «Чичерин» кўрғонлари чегарасида «Жақип» ёки «Жаки» лақабли жиноят дунёсининг «авторитети» яшайди. Яқинда у ўзи истиқомат қиладиган кўрғонда ҳашаматли иморат кўтарган. Айтишларича, биринчи ноябрга ўтар кечаси Жақип хонадонига ким биландир қаттиқ жанжаллашиб қолган. Низо чиққан маҳали «қаср»дан кетма-кет ўқ овозлари ҳам эшитилган...

— Сизнингча, ўша жанжал қонли якунлангач, ҳалок бўлганларни Келес дарёсига ташлаб юборишган, шундайми?

— Худди шундай, ўртоқ генерал!

— Лекин экспертларнинг хулосасига кўра, дарёга ташланган жабрдийдалар орасида ўқотар қурол билан ўлдирилганлари йўқ.

Тезкор йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли йўл-йўриқ, кўрсатмалар ишлаб чиқилди. Бу эртанги кун амалга ошириладиган ишлар учун дастур эди. Зеро, мазкур кўрсатмалардан келиб чиқиб, аниқланган янги маълумот ва тафсилотларни умумлаштирган ҳолда тезкор қидирув талбирларининг кўшимча режаси тузилиши алоҳида таъкидланганди.

ИЗЛАР АТРОФГА ЧОРЛАЙДИ

Шошилинч тезкор йиғилишнинг қарори аниқ ва қатъий эди. Албатта, уларнинг ҳаммасига батафсил тўхталиб ўтишнинг имкони йўқ. Лекин нуфузли ҳайъат аъзолари томонидан ички ишлар идоралари ходимлари олдида қўйилган вазифалар ичида куйидагилар ҳам бор эди.

«... Юқоридаги тахминлардан келиб чиқиб, тубандаги тезкор-қиди-

бўйича алоҳида фотоальбом ва фотожадвал тайёрлансин.

(Муддати — бир ҳафта)
Тошкент вилояти ИИБ ва Тошкент тумани ИИБ ходимлари томонидан Келес дарёси соҳилидаги Сариёғоч туманининг «Қоплонбек», «Чичерин» кўрғонлари, К. Марк давлат хўжалиги, Тошкент туманининг С. Раҳимов, А. Навоий, Ғ. Умаров номли жамоа хўжаликлари ҳудудларида содир этилган жиноятга алоқадор бўлган кўшимча маълумот ва буюмлар — ашёвий далилларни тўплаш учун қатъий кузатув ўтказилсин.

Кенгайтирилган йиғилишда ўнга яқин тахминлар айтилди, тезкор қидирувнинг навбатдаги талбирлари ишлаб чиқилди. Талбирда асосий эътибор ёлғаниб ишлаётганларга қаратилди. Бироқ ким қаердан келиб, кимникида, нима иш билан машғуллигини тўлалигича назорат қилишнинг имкони йўқ. Шундай экан, талбирда ишлаб чиқилган кўрсатмалар белгиланган муддатда бажарилиши шарт эди.

«ҚЎЙ ОҒЗИДАН ЧЎП ОЛМАГАН»

... Иттифоқо, бир беворидан сўрашибди:

— Ака, сиз сираям қўй оғзидан чўп олмагансиз-а?

— Ҳа, ҳа... — депти у ўзини жуда ювош ва содда кўрсатиб. Сўнг шарақлаб кулиб юборибди. — Ҳа, энди... қўйнинг карт думбаси турганда оғзидан чўпни нима қиламан?

Ўткирбек Омонов ҳам ана шундай тоифадаги одамлардан эди. У ёшлигидан эрка ўсди. Бора-бора эркалиги дилдорликка айлана бошлади.

Тўкин дастурхон атрофида гурунглашиб ўтирган меҳмонларга ош тортилди. Пахта гулли зарҳал пиёлалар дамба-дам узатилиб, йиғилганлар бир-бирига соғлиқ тилашди.

Ўткирбек ошдан аввал бир пиёла ароқ ичиб, бироз энгил тортиданек бўлди. Енбошида ўтирган сипогина, бурни пучуқ йигит шишани олиб, Ўткирбек бўшатган пиёлага яна ароқ қўйди.



Транспорт ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Урганч темир йўл бекати тармоқ ИИБ навбатчилик қисми навбатчи ёрдамчиси, катта сержант **Йўлдошбой БОБОЖОНОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.


Қашқадарё вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши ички ишлар идоралари фахрийси, полковник **Собир ХУДОЙБЕРДИЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этидилар.

Фарғона вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби вилоят ИИБ тергов бошқармаси катта терговчиси, майор Ш. Эргашевга отаси **Эркинжон ЭРГАШЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Фарғона вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Қўқон шаҳар ИИБ бошлиғи ўринбосари, майор Ж. Курбоновага отаси, ички ишлар идоралари фахрийси **Муҳаммадалли ҚУРБОНОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.


Самарқанд вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Пахтачи тумани ИИБ ҚООБ профилактика инспектори, капитан **Азизжон ҲАЙДАРОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этидилар.

«ФУТБОЛ» ЦИКЛОКРОССВОРДИ



1. Олий табақа футбол жамоаси. 2. Ҳал қилувчи ўйин. 3. Франция футбол юлдузи. 4. Мамлакатимизда илк футбол жамоаси юзага келган шаҳар. 5. ... ҳақами. 6. «Милан» жамоаси футболчиси. 7. Тўпнинг тепилиши. 8. Бирор давлат номидан ўйновчи, сараланган жамоа. 9. Футбол дарвозаси қисми. 10. Энг яхши ҳимоя. 11. Жаҳон футбол чемпи-

онатини ўтказишда жонбозлик кўрсатган австриялик ташаббускор. 12. Финал босқич турнирларида иштирок этган энг кекса, камерулик тўпурар. 13. Россиядаги футбол жамоа. 14. Таниқли бразилиялик мураббий. 15. Уйини бошқариб борувчи. 16. Италиянинг А. Шевченко тўп сураётган жамоаси. 17. Англиянинг машҳур жамоаси. 18. Жаҳон футбол



Газетамиз саҳифаларида реклама ёки эълон беришни истайсизми?

Марҳамат!

Мурожаат учун телефонлар:

139-73-88

139-75-37

Бизнинг электрон манзилимиз: urmvd@globalnet.uz



чемпионатида энг биринчи гол киритган франциялик футболчи.

ЧАЙНВОРД

19. Бразилия терма жамоаси аъзоси, «Барселона» ҳужумчиси. 20. Инглиз футболчи юлдузларидан бири. 21. Япониялик моҳир ҳужумчи. 22. Мехикодаги футбол стадиони. 23. Жаҳон футбол чемпионатининг 1978 йилги чемпиони бўлган мамлакат. 24. XVIII жаҳон чемпионати иштирокчиси, Африка қитъаси давлати. 25. Машҳур спорт буюмлари фирмаси. 26. Пеле ўз фаолиятини бошлаган Бразилия футбол жамоаси. 27. «Россия» – «Камерун» жаҳон турнири финал босқичидаги ўйинда бешта гол киритган тўпурар. 28. Футболдаги ҳолат. 29. Англия терма жамоаси футболчиси. 30. Қўрикланадиган жой. 31. Бельгиянинг таниқли жамоаси. 32. Футбол ўйини қисми. 33. XX аср футболчи юлдузларидан бири, тўпурар. 34. Грециядаги жамоа. 35. Париждаги футбол стадиони. 36. FIFA – жаҳон футбол уюшмаси президенти. 37. «Лион» жамоаси ҳимоячиси. 38. Жаҳон чемпионатининг Бразилия-Швеция ўйинида тўртта тўп киритган футболчи.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.



Она замин саховати!

БЎЛГАН ВОҚЕА

БИЗГА ҲАВАС ҚИЛАДИЛАР

Яқинда бир яқин танишим фарзанд кўрди. Узоқ кутилган ўғил уни ниҳоятда хурсанд қилганди. «Юринг, — деди бир кун, — полвонга ўйинчоқлар оламиз.

Супермаркетга кирар чоғимиз унга:

— Машинанг ойнаси очиқ қолди, — дедим.

— Э-э, ким ҳам тегарди, — дедию дўконга кириб кетаверди...

90-йилларда машина олиб қочиш ниҳоятда авж олганди. Ҳукуматимиз томонидан кўрилган кескин чоралар туфайли бу иллатга тез орада барҳам берилди. Дарҳақиқат, бугунга келиб, жиноятчиликнинг бу тури бизда деярли учрамайди.

Бунинг тасдиғи ўлароқ, яқинда Россияда чоп этиладиган «Комсомолская правда» газетасининг 18-сонидаги «К сожалению, от угона нет у нас в

стране закона!» мақоласида шундай жумлалар бор: «Бизнинг мамлакатимизда ҳар кун юзлаб машина олиб қочилади. Европа ва Америкада ҳам бу ўта муаммоли масала. Лекин битта мамлакат борки, у ерда машинани кулфлашмайди, ойналарини очиқ ташлаб кетаверишди. Бу мамлакат — Ўзбекистондир. Маҳаллий қонунчиликда машина олиб қочганлик учун қаттиқ жазо тайинланган. Бу борада ўзбек ҳайдовчиларига ҳавас қилса арзийди. Балки биз ҳам улардан ўрнак олишимиз керакдир».

...Яхшигина харид билан дўкондан чиқсак, машина... жойида йўқ! Бир зум қарахт бўлиб турган

чоғимиз олдимизга ЙПХ ходими келди ва сўради:

— Ана у машина сизникими?

Қарасак, юз метрча нарироқда машинамиз турибди.

— Жуда ноқулай ҳолда қолдириб кетибсиз. Қатновга халақит бераётгани учун чеккага олиб қўйдим, — деди у хотиржам.

Ҳам узр сўраб, ҳам раҳмат айтиб, машинага ўтирдик.

— Шунча жойга итариб келибди, қойил-э.

Танишим кулиб юборди ва секин деди:

— Калитни ҳам қолдириб кетгандим...

Шавкат ГУЛОВ.



Газетамизнинг азиз мухлислари!

Газетамизнинг янада мазмуни ва ранг-баранг чиқишида сизнинг фикрларингизни билиш ниятдамыз. Таклифларингиз бўлса, марҳамат, бизга кўнгирок қилинг!



Ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари эса қуйидаги телефон орқали мурожаат қилишингиз мумкин:

(371) 139-70-40

Соат 9.00дан 21.00гача

Телефон: (371) 139-73-88

ТАФАККУР ЗИЁСИ

Ўз-ўзига махлиёлик ва димоғдорлик ўз қадрини билиш туйғуси эмас.

Кимки бошқаларга нисбатан ҳурмат ҳиссини йўқотишга мойил бўлса, у авваламбор ўзини ҳурмат қилмайди.

Ҳеч нимадан ҳайратланмаслик, турган гапки, донолик эмас, аҳмоқлик аломатидир.

Бирдан тушуниб етиш ва ҳис қилиш мумкин, лекин бирдан инсон бўлиб қолинмайди, балки инсон сифатида шаклланмоқ керак.

Киши хато қилиши мумкин. Хатони риёкорликка йўймайдилар. Ҳақ иш бир қанча хатодан кейин ҳам ўлмайди. Жуда бўлмаганда асосий ғояси мустаҳкамлигича қолади. Агар биринчи қадамдан натижа чиқмаса, иккинчисидан чиқади.

Худбинлар бурч олдида инжиқ ва кўрқоқдирлар: улар доимо ўзларини бирор бурч билан боғлаб қўйишдан кўрқоқларча ҳазар қиладилар.

Кучлилик сўқинишга муҳтож эмас.

Хоҳлаганингга етишмоғинг учун ҳам ақл берилган.

Бурчдан воз кечиш ва ўз вазифасини тан олмаган ҳолда, яна ўзи учун ҳамма ҳуқуқларни талаб қилиш, тўғизликдан бошқа нарса эмас.

Баъзилар кула туриб, ўзини шу қадар ршкор этиб қўядики, сиз унинг бутун сиру асрорларини билиб оласиз. Ҳатто энг ўринли кулгу ҳам гоҳо ўта ёқимсиз туюлади. Кулгу авваламбор самимийликни тақозо этади.

Олижаноб ғояларсиз инсоният яшай олмайди.

Ф. ДОСТОВЕВСКИЙ.

Ўзбекистон Республикаси «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамияти «Миллионер» ва «Gold Coin» сериясидаги Динамо Спринт лотереясини реализация қилиш якунланганини маълум қилади. Ютуқлар реализация ниҳоятга етган кундан бошлаб уч ой ичида берилади.

Барча эътирозлар буйича қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Пушкин майдони, «Динамо» стадиони.

ТЕЛЕФОН: 68-49-78.

О'ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

Баш муҳаррир
Aziz ERNAZAROV

Баш муҳаррир о'ринбосари
Murod TILLAYEV
Mas'ul kotib Erkin SATTOROV

Navbatchi: Qobiljon Shokirov
Sahifalovchilar: Zokir Boltayev
Nikita Slavgorodskiy
Matn ko'chiruvchi: Gulnora Sodiqova

Ko'chirib bosishda «Postda» dan olinganligini ko'rsatish shart. Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin. Maqolada keltirilgan misollar, raqamlar, ma'lumotlarning aniqligi uchun mualliflar javobgardirlar. Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.

Kelgusi sonda uchrashguncha xayrl

MANZILIMIZ:
700029, Toshkent,
Yunus Rajabiy
ko'chasi, 1

TELEFONLAR:
Баш муҳаррир о'ринбосари 132-24-60;
Kotibiyat 139-73-88. Faks 132-05-51
E-mail: urmvd@globalnet.uz

Tahririyat hisob raqami
20210000700447980001, MFO
00421. «lpak yo'li» aksiyadorlik
investitsiyaviy tijorat bankinging
Mirzo Ulug'bek bo'limi.

«O'zbekiston» nashriyot-
matbaa ijodiy uyi
bosmaxonasida chop etiladi.
Korxonaning manzili: Alisher
Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2003 yil 24 noyabrda 007 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma J-2657. Bosilish - ofset usulida. Hajmi - 6 bosma taboq. 55013 nusxada chop etiladi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda - 180. Tashkilotlar uchun - 366. Bosishga topshirish vaqti - 23.00. Bosishga topshirildi - 23.00. Internet va xorijiy matbuot vositalari asosida tayyorlandi.